

Зарина Бойтемирова, Зафаржон Хамрақулов

**АХЛОҚИЙ АДОЛАТ ВА УНИНГ
ФАЛСАФИЙ – АХЛОҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

ҚЎҚОН - 2015

Мазкур қўлланмада ахлоқий адолат ва ахлоқий тафаккур тарихида адолат ҳақидаги қарашлар таҳлили хусусида фикр юритилган. Адолатнинг келиб чиқиши жамият учун объектив зарурат бўлиб хизмат қилганлиги, ўтмиш даври мутафаккирларининг адолат ва ахлоқ ҳақидаги қарашлари, Марказий Осиё мутафаккирларининг адолат ҳақидаги ғояларининг ҳозирги давр олимлари томонидан ўрганилиши билан боғлиқ маълумотлар ўрин олган.

Қўлланма кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, Муқимий номидаги Қўқон ДПИ илмий Кенгаши томонидан нашр этишга тавсия қилинган

Заринахон Бойтемирова - Қўқон ДПИ Миллий ғоя, маънавият

асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси доценти

Зафаржон Хамрақулов – Қўқон ДПИ Миллий ғоя, маънавият

асослари ва ҳуқуқ таълими кафедраси ўқитувчиси

Такризчилар:

М.Темирбоев – фалсафа фанлари номзоди, доцент

М.Юлдашева – фалсафа фанлари номзоди, доцент

СЎЗ БОШИ

Эркин, демократик, фуқаролик жамиятини шакллантиришда адолат тамойилининг устуворлигига таяниш, шу йўсинда инсон омилини ҳимоялашни олий мақомга кўтариш ҳозирги кунимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Жамиятимиз тараққиёти демократик принципларни бир хилда ва тенг асосларда қарор топтиришни талаб этмоқда.

Адолат фуқаролик жамияти мақсад-муддаоларининг асосий мезони. Чунки, инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш, бундай жамиятда халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши жамиятда адолатнинг устуворлигини белгиловчи муҳим омиллардир. Шунинг учун адолат бугунги кунда барча ислохотларнинг пировард мақсадига айланган.

Ҳозирги кундаги глобаллашув жараёнлари миллий маънавиятимизга жиддий таъсир ўтказаяётгани ахлоқий қадриятларимизга нисбатан эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлмоқда. Ахлоқий қадриятлар жамиятимиз аъзоларида, аввало, ёш авлод қалбида ўз Ватанига меҳр-садоқат туйғусини уйғотиш, тилимиз, тарихимиз, миллий маданиятимизни авайлаб асраш ҳиссиётларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган адолат ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

Адолат этика ёки ахлоқ фалсафасининг энг асосий мезоний тушунчаларидан бири ҳисобланади. Бироқ, адолатни фақат ҳуқуқий тушунча сифатида талқин этиш тўғри эмас: у кенг қамровли ахлоқий тушунча ҳам ҳисобланади. Шунга кўра, адолат нафақат фуқаролар орасидаги муносабатларни, балки давлат билан халқ, жамият билан шахс ўртасидаги алоқалар мезонини ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун халқ орасида минг йиллар мобайнида адолат тимсолидаги ахлоқий идеалининг яшаб келгани бежиз эмас.

Яқин тарихда халқимиз ўз бошидан кечирган уқубатлар ва машъум кунларни унутмаслик, ўтган давр мобайнида эски тузумдан оғир мерос бўлиб қолган иллатларга, эл-юртимизга нисбатан қилинган камситиш ва миллий манфаатларимизни менсимаслик каби ахлоқсизлик ҳолатларига барҳам бериш учун

ҳам адолатнинг тарихий ва фалсафий аҳамиятини қарор топтиришни давр тақазо этмоқда.

Адолат узоқ замонлардан буён инсон маънавиятининг таянч устунларидан бири бўлиб келган. Жамият ҳаётида адолат ва ҳақиқат, меҳр ва мурувват, инсоф ва диёнат, виждон уйғоқлиги ва виждон поклиги каби фазилатларни қарор топтиришда адолат омилининг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки, бундай фазилатларга эга инсон ҳеч қачон адолатнинг топталишига бефарқ қарамайди.

Алломаларимизнинг асрлар давомида адолат ва адолатпарварликни тарғиб этувчи ғоялари ҳозирги мураккаб давримизнинг кўплаб ахлоқий-маънавий масалаларини ҳал этишда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларни ахлоқ фалсафаси контекстида ўрганиш ва тадқиқ этиш бугунги янгиланаётган жамият учун ғоятда долзарбдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, адолатнинг ижтимоий аҳамияти, унинг давлат бошқаруви ва жамият қурилишидаги зарурияти, юксак маънавиятли шахсни шакллантиришдаги ўрни ҳамда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдаги хусусиятларининг илмий-назарий асослари мамлакатимиз Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари, маърузалари ва асарларида кўрсатиб ўтилган.

Биз мазкур тадқиқотимизда адолат тушунчасининг ахлоқий моҳияти ва фалсафий меросимизда ахлоқий адолат масаласи тарихига эътиборимизни қаратдик.

АХЛОҚИЙ АДОЛАТ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Баркамол авлодни тарбиялаш масаласида Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эдилар: “Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз, жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”¹. Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, юқори малакали, онгли мутахассис кадрларни тайёрлаш адолатли демократик жамият қураётган давлат ва жамиятимизнинг олдида турган кечиктириб бўлмас вазифаларидан биридир.

Баркамол авлодни тарбиялашда давлат ва жамият ҳаётида адолат тамойилларини қарор топтиришнинг ўрни катта. Зеро, баркамол авлод тарбиясида адолат инсон бахт-саодати ва камолотининг ўлчови сифатида намоён бўлади. Халқимизнинг азалий фазилатларидан бири-инсофу адолатга, одиллик ва тўғрилиқка интилиб яшашдир. Баркамол авлодни тарбиялаш учун, аввало, адолатли ижтимоий муҳитни таъминлаш зарур. Адолатни жамиятнинг, инсонларнинг табиий ва ижтимоий тафовутига қарамай, олий қадрият деб тан олиш, унинг кадр-қимматини қонун билан ҳимоя қилиш инсонлар орасидаги нотенгликни бартараф этишга хизмат қилади. Адолатли шароитларни яратиш ёшлар ижодий ва илмий-техникавий фаоллигини ошириш, уларда Ватанга муҳаббат, ота-она ҳамда миллий-тарихий меросга ҳурмат ҳиссини шакллантириш имконини беради. Адолат ёшларнинг инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик ва меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатларини ривожланишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида адолатга шундай таъриф берилган: “Адолат – ижтимоий-фалсафий, ахлоқий ва ҳуқуқий тушунча. Кишилар ижтимоий-сиёсий онгида катта роль ўйнайди. Муайян ижтимоий гуруҳлар ва айрим шахсларнинг

¹ Баркамол авлод орзуси. Тошкент. Ўзбекистон. 1999. 9-бет

тушунчаларини ўзида акс эттиради. Сиёсий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқ ва бурч меъёрлари, ахлоқий муносабатлар, меҳнат ва тақдирланиш, жиноят ва жазо, хизмат ва уни тан олиш, кадр-қимматни эътироф этиш ва ҳ.к.га мазкур тушунча орқали баҳо берилади. Адолат тушунчаси муайян тарихий шарт-шароит ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлар билан белгиланади. Адолатнинг ижтимоий-фалсафий жиҳати жамият аъзоларининг хилма-хил муносабатларидаги ўзаро тенглигини назарда тутди. Ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишни билдиради”¹. “Фалсафа” қомусий луғатида эса адолатга шундай таъриф берилади: “Адолат – шахс ва ижтимоий гуруҳлар имкониятлари ва талаблари, ҳуқуқлари ва фаровонлигининг меъёрини, шахснинг жамият олдида қўядиган талаблари меъёрини, турли синфлар ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий-маданий воқеаларга муносабатини характерловчи ижтимоий онг тушунчасидир”².

Фикримизча, ахлоқий адолат ўз моҳиятига кўра ижтимоий адолатнинг таркибий қисми эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ижтимоий адолат ҳақида турли фикрлар ва қарашлар мавжуд бўлсада, тадқиқотчи Т.Ч.Толибов фикрича, “фалсафий адабиётимизда ҳозиргача ҳам “ижтимоий адолат” тушунчасининг умумий қабул қилинган таърифи йўқ. Бир гуруҳ муаллифлар “ижтимоий адолат” тушунчаси ишлаб чиқарилган ёки табиатдан топилган ҳаёт шарт-шароитларини ижтимоий, жамоавий ва шахсий тарзда ўзлаштириш, алмашиш, тақсим қилиш усуллари, жараёнларни ифодалайди, деб ҳисоблайди. Бошқа муаллифлар эса “ижтимоий адолат” тушунчасини ахлоқий қадрият, меъёрий мўлжал, кишиларнинг ўзаро талаблари ва хатти-ҳаракатларини ўлчаш учун асосланган мезон сифатида баҳолайдилар. Об’ектив ижтимоий маънога кўра “ижтимоий адолат” тушунчаси тараққиётнинг муайян тарихий даврида жамият, давлат, турли гуруҳлар, жамоалар, индивидлар

¹ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд. -Тошкент Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2000. – Б. 134.

² Фалсафа. Қомусий луғат. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004. – Б. 14.

ўртасидаги муносабатларнинг ўлчовини англатади”¹. Дарҳақиқат, ижтимоий адолат бирор бир тарихий даврларда яшаётган кишиларнинг адолат ҳақидаги фикрларидир. Тарихий тараққиёт туфайли даврлар ва қарашлар ҳам муттасил ўзгариб туради, янги ижтимоий муносабатлар таъсирида бойиб боради.

Тадқиқотчиларимиз адолатнинг турли томонларини тадқиқ қилишса ҳам, “...шунинг қайд этиш лозимки, – деб ёзади профессор Ҳ.Алиқулов, – адолат масаласи шу вақтгача фалсафий адабиётимизда етарли тадқиқ қилинмаган. Мавжуд тадқиқотларнинг аксарияти адолат тушунчасининг замонавий талқини ва моҳиятини очиқ беришга бағишланган. Уларнинг кўпчилиги Шўролар даврида ёзилган бўлиб, ўша даврдаги ҳукмрон мафкура ва синфий нуқтаи назаридан таҳлил қилинган”².

Ахлоқ – ўзгарувчан, мураккаб тушунча. Бошқа ижтимоий онг шакллари сингари ахлоқнинг тузилишини ҳам ижтимоий муносабатлар белгилайди. Ахлоқ – киши ва жамият ўртасидаги объектив ўзаро боғланишнинг мафкуравий ва психологик намоён бўлиши, умумий ва индивидуал манфаатларни мувофиқлаштириш заруратининг ифодасидир. Шу маънода шахс ва жамият ўртасида юзага келадиган зиддиятларни бартараф этишнинг асосий усуллари билан биридик.

Ижтимоий муносабатлар хатти-ҳаракатлар жараёнида намоён бўлади. Ахлоқ шундай хатти-ҳаракатларнинг мазмуни сифатида юзага чиқади. Шу боис адолатнинг ҳар бир жиҳати рўёбга чиқарилишида унинг ахлоқий томони доим у билан бирга намоён бўлади. Шундай экан, адолатнинг ахлоқий жиҳатини ўрганмасдан, унинг бошқа шакллари муфассал тадқиқ этиб бўлмайди.

Адолатнинг ахлоқий мазмуни кишилар эҳтиёжлари билан бевосита боғлиқликда бўлади. Форобийнинг таъкидлашича, кишилар моддий ва маънавий эҳтиёжларни қондириш, маънавий юксакликка етишиш учун жамоага бирлашадилар. Зеро бир киши ўз эҳтиёжларини, турли талабларини мукамал қондира олиши

¹ Толибов Т.Ч. Принципы социальной справедливости как важный фактор воспитания молодежи. Автореферат дисс. канд... филос. наук. -Тошкент: 1997. – С.11 – 12.

² Алиқулов Ҳ. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 7.

мутлақо мумкин эмас. Бунинг учун у жамият ёрдамига мухтождир. Ана шу ўзаро ёрдам туфайли шахс эҳтиёжлари қондирилади¹.

Ҳар бир инсон ўз эҳтиёжларини қондириш учун имкон яратиш мақсадида ўзгалар билан муносабатга киришса ижтимоий муносабатлар вужудга келади. Адолат ҳар бир инсон, жумладан, ўзи ва ўзгалар қадрини амалий шароитда, муайян макон ва замонда, аниқ ўлчовларда англаб ета билиши, шунга мувофиқ уни ҳаётга тадбиқ ета билишида намоён бўлади.

“Жамиятнинг ривожланиши кўп жиҳатдан шахснинг эҳтиёжлари, манфаатлари ва мақсадларини қамраб олувчи интилувчанликка ҳам боғлиқ. У ҳаёт давомида юзага келади ва анча барқарор бўлади. Шу билан бирга, одамзоднинг яшаш жойи, вақти, зиммасидаги вазифалари ва бошқа сабабларга кўра ўзгариб туради. Бу жараёнда инсон фаолияти сабабларини ўрганиш катта эътиборга лойиқдир. Зеро, шахс интилишининг сабаблари ва унинг фаоллиги ўзаро уйқашдир. Фаолият сабаблари шахсий ҳамда умумижтимоий мақомларга эга бўлиб интилишнинг ажралмас узвлари ҳисобланмиш эҳтиёж ва манфаатларга бориб тақалади.

Эҳтиёж рисоладагидек ҳаёт кечириш ва фаолият юритиш учун зарур талабларнинг қондирилмаслигидан келиб чиқади. Инсон ҳамиша ўз эҳтиёжларини қондириш учун зарур воситаларни излайди, маълум вазифаларни ҳал этади. Эҳтиёжлар фаолиятни уйғотувчи, ҳаракатлантирувчи, йўналтирувчи зарурият, сабаб саналади.

Шахс маданияти ва интилиши манфаатларни ҳам ўз ичига олади. Улар эҳтиёжларни қондирувчи қадриятларга, уларнинг тақсимооти ва таъминотини белгиловчи ижтимоий институтларга, муносабатлар ва қоидаларга йўналтирилган бўлади”².

Адолатнинг эҳтиёжларга боғлиқлиги унинг ахлоқий моҳиятини тўла очиқ бериш учун камлик қилади. Адолат тенглик ва тақдирлашнинг зарурий ўлчови сифатида кишилик жамияти тараққиётининг дастлабки босқичларида вужудга келади. Этнографларнинг тадқиқотлари кўрсатадики, ибтидоий уруғчилик тизими даражасидаги халқларда тенглик ва

¹ Нейматов Б. Инсон ва унинг камолоти // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2005, -№1. – 72 б.

² Валиев Б. Иқтисодий маданият // Жамият ва бошқарув, 2002, -№4. – Б. 47.

тақдирлашнинг муайян меъёрлари мавжуд бўлиб, улар анъана ва урф-одат тарзида ихтиёрий қабул қилинган.

Нарса-ҳодисалар, ибтидоий воқеликлар вақт ҳисобига ўзгариб, ривожланиб борганидек, адолат тушунчаси ҳам замон характериға қараб доимий равишда ўзгариб борган. Ибтидоий жамоа тузуми даврида кишилар қўлга киритилган ўлжаларни тенг тақсимлаш, аждодларни ҳурмат қилиш, болаларға ғамхўрлик қилиш, ижтимоий мажбуриятларни ихтиёрий бажариш, ҳар кимнинг хизматиға яраша тақдирлаш каби анъаналар амал қилган. Адолатни ифодалайдиган бундай ахлоқий норма ва меъёрлар кўпинча жамоа аъзолари томонидан табиий зарурат туфайли шакллантирилган. Ибтидоий одамлар ўз авлодларини сақлаб қолиш, табиатнинг улар олдига қўяётган синовларига бардош бериш учун бир-бирларига суянишган ҳамда ички ахлоқий меъёрларға амал қилишға мажбур бўлганлар. Тарихчиларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, ибтидоий одамлар уруғдаги ички тартибларни бузганларни жамоадан ҳайдаши одамни муқаррар ўлимға олиб борган. Бундай одатларни улар адолатли, деб ҳисоблашган.

Даврнинг ўтиб бориши ибтидоий жамоа тузумида янги урф ва анъаналарни шакллантирди. Вужудға келаётган янги муносабатларни адолатли тартибға солишға интилиш меҳнат тақсимоти, матриархат, патриархат ва ижтимоий ҳаётдаги бошқа ўзгаришларни келтириб чиқарди. Меҳнат туфайли ортиқча маҳсулот, мулкӣ тенгсизлик ва ижтимоий қатламларнинг пайдо бўлиши адолатға бўлган эҳтиёжни орттирди. Қадимги Шарқдаги жамоавийлик (коллективизм) принциплари барчаға хос ва мос меъёрларнинг қарор топишини талаб қилади. Жамоа аъзолари ўзлари учун адолатли деб ҳисобланган одат ва анъаналарни яратишди. Ахлоқий одат сифатида шаклланган меъёрлар давлатлар пайдо бўлгач, ҳуқуқий нормаларға айлана бошлади.

Инсоният тарихида давлатларнинг пайдо бўлиши ҳуқуқ ижодкорлигининг шаклланиши ҳамда бошқарув институтининг такомиллашувига олиб келади. Барча учун адолатли бўлади, деб тасаввур қилишган Бакхорис қонунлари, Хаммурапи кодекси, Ману қонунлари каби ҳужжатлар, ҳукмдорлар фармонлари адолатнинг ҳуқуқий жиҳатини юзаға келтиради. Шу билан бирға давлат бошқарувида фаолият юритишда тенглик принципларига

интилиш адолатнинг сиёсий жиҳатларини ҳам намоён этди. Шу тариқа ибтидоий жамоа тузуми даврида ахлоқий тасаввурлар заминиди шаклланган адолат нафақат ахлоқий, балки ҳуқуқий ва сиёсий жиҳатларга ҳам эга бўлди.

Адолат ҳақидаги тасаввурларнинг ривожланиш жараёни гуманистик ғоялар билан бойиди. Жамиятнинг илғор қатламлари адолатнинг инсонпарварлик томонини муттасил қўллаб-қувватлагани ҳолда у асрлар давомида давлат ва жамият ҳаётига чуқур сингиб борди.

Шундай қилиб, жамият ривожланиши жараёнида кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларда тенгликни ўрнатиш ва тақдирлашни тўғри йўлга қўйиш зарурати туфайли адолатнинг хилма-хил жиҳатлари юзага келади. Улар ривожланиб, фалсафий тасаввурлар заминиди кўлами кенгайиб, мазмунан бойиб боради. Шахс ахлоқий онгининг рационаллашуви, яъни унинг таркибида мантиқий элементлар аҳамияти адолатни англаб етиш даражаси юксалади.

Адолатнинг моҳияти масаласи барча даврларда ижтимоий-фалсафий ва мафкуравий аҳамиятга эга бўлган. Мутафаккирлар адолатни ахлоқ, ҳуқуқ ва сиёсат билан узвий боғлиқ ҳолда таҳлил қилишган. Улар адолатнинг ижтимоий табиатини ахлоқий, сиёсий ва ҳуқуқий соҳалардан келиб чиққан ҳолда баҳолашган.

Адолат тўғрисидаги ғоялар қадимги даврлардан бошлаб мавжуд бўлиб келган. Вақт ўтиши, замонлар ўзгариши, бир тузумнинг иккинчисига алмашинуви билан адолат ва тенглик тўғрисидаги тасаввурлар ҳам ўзгариб борган. Турли даврлардаги ижтимоий тараққиёт адолат тушунчасининг моҳият-мазмунига ҳам катта таъсир ўтказган¹.

Давлат ва жамият, жамият ва шахс муносабатларида муҳим ўрин тутувчи адолат муаммоси Шарқ фалсафасида ўзига хос акс этган. Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб Алишер Навоий ва яна бошқа кўплаб мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган².

Адолат кенг қамровли тушунча сифатида давлат бошқаруви фаолияти, мамлакатнинг ҳуқуқий тизими, инсоний моҳиятининг

¹ Аликулов Ҳ. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – 3 б.

² Каримов. И. А. Адолатли жамият сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. – 112 б.

негизини ташкил этувчи маънавиятда катта ўринга эга. Бу ўз навбатида адолатнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий томонлари бири-бирига чамбарчас боғлиқ эканлигини намоён этади. Шу ўринда маънавият заминида ахлоқ ётишини ёддан чиқармаслик лозим.

ҚАДИМГИ ДУНЁДА АХЛОҚИЙ АДОЛАТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР

Адолатнинг мазмун ва моҳиятини таҳлил қилиш тарихан ижтимоий-фалсафий тафаккурда юзага келган қарашларга эътибор беришни талаб қилади. “Миллат юксак тараққиётга кўтарилгани сари, унинг ўз илдизларига талпиниб яшаш руҳияти ҳам кучайиб бораверади. Чунки, ҳар қандай истиқбол ўтмиш ғоялари ва тажрибаларига, ундан чиқарилган хулосаларга таянсагина, пировард мақсад ва муддаосига эришиши мумкин. Улар қандай характерга эга бўлишидан қатъий назар, тараққиётнинг янги босқичи учун асос бўлади. Зеро ҳар қандай янги ғоялар ва тараққиёт маълум заминларсиз “бўш” жойда пайдо бўлмайди. Аксинча тараққиёт жараёни эҳтиёжларни қондира олмай қолган. “эскиларнинг” ўрнида юзига келади. Шу тариқа ғоялар ва тараққиёт жараёни узликсизлиги давом этиб келмоқда.

Бугун жаҳондаги тараққий этган давлат тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, ўз эҳтиёжларини тўла қондиришга, тўла фаровон ҳаёт кечиришга эришган халқлар интеллектуал салоҳиятлари юксакликка кўтарилиб боргани сари ўзлигини англашга ва ўз илдизларига қайтаришга интилоқда”¹.

Таъкидлаш жоизки, қадимги ва ўрта асрлар мутафаккирлари кўп ҳолларда адолатнинг сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларини умумлаштирган тарзда талқин қилишган. Қадимги дунё файласуф-мутафаккирлари назарида адолат бошқа азиз фазилатлар билан бирга илоҳий ибтидога эга. Зотан Мисрда Маат, Месопотамияда Нанше, Юнонистонда Фемида, Римда Юстиция адолат худолари бўлишган. Улар ўз мавқелари бўйича бошқа маъбудлардан кам бўлишмаган. Юнон илоҳаси Фемида эҳтиросга берилмаслик белгиси сифатида кўзи боғланган, бир

¹ Отамуротов С. “Авесто” – бебаҳо меросимиз // Жамият ва бошқарув. -Тошкент, 2001. -№3. – Б. 34.

қўлида қилич ва иккинчисида тарози ушлаб турган ҳолда тасвирланган ¹. Унинг маъноси шуки, дунёда адолат устун бўлиши учун гуноҳкорларни маъбуд ёки инсон эканлигига қарамай одилона жазолаш зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу даврда адолат ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари учун ахлоқий эҳтиёжга айланган маънавий ҳодиса эканлигини манбаларда билдирилган қарашлар орқали англаш мумкин. Чунки адолат дин, давлат, сиёсат, савдо, тарбия, маърифат масалаларида ҳам асосий мезонга айланди. Бу борада Бурхониддин Марғиновийнинг “Ҳидоя” асарида савдо, солиқ, ушр (тўлов) га оид масалаларни хал этишда адолат асосий мезон эканлиги, айниқса, ҳар бир одамдан ушр (тўлов) олинаётганда асосий эътибор, унинг мусулмон ёки ғайридин бўлишидан қатъий назар, адолат мезонига риоя қилинишини уқтиради.² Бундай ҳукм адолат масаласига юксак инсонпарварлик руҳида ёндашиш ва бу билан жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга даъват қилиш ҳамдир.

Марказий Осиёдаги фалсафий қарашларда инсон моҳияти тўғрисида сўз борганда, унинг одоб-ахлоқи, хулқ-атворида алоҳида урғу берилади. “Авесто”да инсоннинг ахлоқий комиллиги, маънавий етуклиги, жисмоний ва руҳий соғломлиги тараннум этилади. Яхшилик, гўзаллик, адолат, эзгулик ёруғликнинг ҳимоячиси, “Яхши фикр, яхши сўз, яхши ишга шон-шавкат бахш этган” Ахурамазда зулм, ноҳақлик, ёвузлик тимсоли бўлган Ахриманга қарши мурасасиз кураш олиб боради, ғалаба қилади³.

“Авесто”нинг иккинчи қайта йиғилган манти – “Денкард” 348 бобни ўзига олувчи 21 китобдан иборат бўлиб, унинг 13-китобида ҳар бир ишда адолат, ўзгалар ҳаққидан кўрқиш, тош-тарози ўлчовида сўз юритилган”⁴.

Ўзликни англаш орқали ўзгалар қадр-қиммати, шаъни, орномуси, миллий менталитети, диний, ирқий, ижтимоий ўзига хосликларига ҳурмат билан қараши мумкин. Аммо, “Инсоният

¹ Словарь иностранных слов. -Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1954. – С. 726

² Бурхониддин Марғиновий. Ҳидоя. Закоат китоби. – Тошкент: Адолат, 2002. Т.1. – 378 б.

³ Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. -Тошкент: Шарқ, 1999. - 23 б.

⁴ Қаранг. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006. – Б. 92.

ақл-заковати юксалган бугунги кунда ҳам манфаатларни ҳимоя қилишни рўкач қилиш оқибатида юзага келган ўзаро ҳурматсизлик, иккиюзламачилик, бирининг муваффақиятини иккинчисининг кўра олмаслиги, ғаразнинг кучайиши каби иллатлар миллий бирликни мустаҳкамлашга ўзининг салбий таъсирини кўрсатади”¹

“Авесто”нинг муаллифи Зардушт одамларни ягона ғоя ва мақсадга йўналтириш орқалигина улар ўртасидаги турли низоларга барҳам бериш ва барқарорликка эришиш мумкин, деб ҳисоблаган².

Немис файласуфи Гегелнинг ёзишича, зардуштийлик “илоҳийликни ёруғликдан истисно қилмайдиган оддий ифода ёки рамз сифатида, ёруғликни – қуёш, юлдуз, оловни – уларнинг табиий мавжудликдаги нурланиш ҳамда оловланишни абсолютлик сифатида қараб чиқади. Илоҳий ибтидо, маъно бутун борликдан, ёритгичлардан ажратилмайди. Бинобарин, агар ёруғлик, эзгулик, адолат, боз устига, ҳаёт бахш этувчи ва ҳаёт тарқатувчи фойдали нарса бўлсада, барибир, эзгуликнинг ўзи ёруғликдир. Бунини ёруғликка зулматни нопок сифатида қарама-қарши қўйишда ҳам кўриш мумкин”³. Бундан кўринадики, “Авесто”да адолат ёруғлик, эзгулик билан бирга, ёмонлик адолатсизлик ва зулматга қарши қўйилади.

Зардуштийликдаги ахлоқий адолат ҳақида фикр юритган С.Отамуратов шундай деб ёзади: “Авесто”нинг муаллифи Зардушт одамларни ягона ғояга ва мақсадга йўналтириш орқалигина улар ўртасидаги турли низоларга барҳам бериш ва барқарорликка эришиш мумкин, деб ҳисоблаган”⁴.

“Авесто”да адолат ва адолатсизлик, ҳақиқат ҳақида шундай дейилади: “Эй Ахура Мазда! Адолат ҳақида ўйлаб туриб, ўзи адолатнинг йўлини тўсадиган одамни ким деб аташ мумкин? Ҳақиқат ҳақида ўйлаб туриб, ўзи Дуруж – ёлғон йўлидан юрадиган ким?” Ахура Мазда жавоб берди: – “Адолат излаб туриб, адолат йўлини тўсувчи, ҳақиқат йўлини ўйлаб туриб, ўзи ёлғон йўлни тутадиган одам – бу шундай одамки, у мурда ҳаром

¹ Отамуратов С. “Авесто” – бебаҳо бойлигимиз // Жамият ва бошқарув, 2001, -№3. – Б. 36

² Отамуратов С. “Авесто” – бебаҳо бойлигимиз // Жамият ва бошқарув, 2001, -№3. – Б. 36

³ Гегель Г.В.Ф. Зардуштийлик // Жаҳон адабиёти, 2007, 12-сон.

⁴ Отамуратов С. “Авесто” – бебаҳо меросимиз // Жамият ва бошқарув, 2001, -№3. – Б. 36.

қилган сувни келтирувчи билан ёки қоронғу тунда эҳсон-худойи қилгувчи билан тенгдир”¹.

Суза шаҳри харобаларидан топилган, Хаммурапи қонунлари битилган базальт тош устунларида қуёш, ҳақиқат ва адолат худоси Шамаш тахти олдида турган ҳамда унинг қўлидан олий суд ҳакамлиги белгиси чўқмор ва чамбар олаётган подшонинг ўзи бўртма шакллар билан тасвирланган. Кодекснинг кириш қисмида қонунларни чиқаришдан асосий мақсад мамлакатда адолат ўрнатишдир, деб кўрсатилган².

Қадимги ҳинд ижтимоий тузуми касталарга бўлинганлиги билан ажралиб туради. Брахманизм таълимотига кўра маъбуд Брахма одамларни танасининг турли қисмларидан яратган. Тоифалар ўртасидаги никоҳ ҳам таъқиқланган. Ҳиндларнинг назарида тоифадан чиқиш, қаршилиқ кўрсатиш маъбуд Брахма ўрнатган адолат меъёрларини бузиш ҳисобланади.

Хитой мутафаккири Конфуций таълимотида ахлоқий меъёрлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро конфуцийчиликнинг ахлоқий идеали Цзюн-цзи – жўмард. Унинг юксак фазилатлари – фидойилик, софдиллик, садоқат, адолат. У муомала бобида мулойим, юксак мартабаларга ҳурмат билан мурожаат қилади, халққа нисбатан эса ҳимматли, адолатли муносабатда бўлади³. “Ўз-ўзинга раво кўрмайдиган нарсани бошқаларга раво кўрмагин”, деган ақида Конфуций инсонпарварлик таълимотининг ахлоқий меъёри ҳисобланади. Бундан шу нарсга келиб чиқадики, инсон ўзига раво кўрмаган нарсани ўзгаларга раво кўрмаса адолат тамойилларига риоя қилган бўлади. Худди шунга ўхшаш таълимот қадимги дунёнинг бошқа фалсафий қарашларида ҳам кенг ўрин олган.

С.Аъзамхўжаеванинг ёзишича: “Олийжаноб эр” конфуцийликда идеал шахс образидир. Мутафаккир ушбу категорияни, аввало, подшоҳ (монарх, князь, ҳукмдор)га, кейин эса осмонга ва осмон фаришталарига хизмат қилувчиларга нисбатан қўллайди. Унинг назарида олийжаноб эр ўз олдига дастлаб “бурч” тушунчасини, сўнг “манфаат” тушунчасини қўяди. У муҳтожликни мардона енгади, эзгу амаллар ҳақида

¹ “Авесто” Видеврат китоби. – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2007. – Б. 51-52.

² мухамедов Ҳ Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 1-қисм. -Тошкент: Адолат, 1999. - 98 б.

³ Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. (Маъруза матн). -Тошкент: ФТДҚ, ДИТАФ, 2000. -20 б.

ўйлайди, ўзига раво кўрмаган нарсаларни бошқаларга ҳам раво кўрмайди, халққа хизмат қилади”¹.

Юнон файласуфи Сукрот (милоддан аввалги 470-399 йиллар) қарашларига келсак, у, Конфуцийга ўхшаб ахлоқ билан ҳуқуқни бўлинмас яхлитликда олиб қарайди: “Нимаики қонуний бўлса, ўша адолатдандир”. Иккала мутафаккир ҳам ҳукмронликнинг яхши ва ёмон деб баҳолашини фуқаролар тарбияси билан боғлайди, жасорат ва бетаъма хизмат намуналарини ўз давлатлари ўтмишидан топади². Сукротнинг “Ҳақиқат мунозаралар орқали юзага чиқади”, деган фикри асрлар оша яшаб келмоқда.

“Эпикурнинг ахлоқий қарашларида адолат, дўстлик ва оқиллик категориялари катта ўрин тутати. У адолат нисбий эканлигини тан олган ҳолда, уни бошқаларга зарар кўрсатмасликка ундайди. Эпикурнинг бу ғоялари унинг ижтимоий битим назариясига асос бўлади”³.

Аристотель мавжуд ҳуқуққа асосланган адолат билан тенглик принципларига асосланган давлат ўртасида чегара ўтказати.

Аристотелнинг ахлоқий қарашлари хусусида фикрлар билдирган И. Қўнғиров мутафаккир адолатли бўлишни ижобий сифатлар қаторига қўшганлигини айтади: “Юнон файласуфи Аристотель ахлоқий фазилатлар ва иллатларни таснифлар экан, ижобий фазилат сифатида жасурлик, мўътадиллик, саҳийлик, ҳимматлилик, мулойимлик, дилкашлик, ҳақгўйлик, адолатли бўлишни кўрқоқлик, исрофгарчилик, ўзини тия билмаслик, эҳтиётсизлик, ҳасислик, мақтанчоқлик, қўполлик, такаббурлик, мол-дунёга берилиш кабиларни эса иллат сифатида тилга олади”⁴.

Шундай қилиб, адолат ғояси қадимги даврда зардуштийлик динининг “Авесто” китобида ҳамда Маздакнинг диний-фалсафий қарашларида ўз инъикосини топди. Булар Ўрта асрлар ва кейинги даврида адолатнинг эволюциясига самарали таъсир кўрсатди ва

¹ Аъзамхўжаева С Етук жамият – мунтазам тартибдаги жамият // Жамият ва бошқарув, 2007, -№1. – Б. 20-25.

² Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. (Маъруза матн). -Тошкент: ФТДҚ, ДИТАФ, 2000. -22 б

³ Ғарб фалсафаси. Тузувчи Назаров Қ -Тошкент: Шарқ, 2004. – Б. 175.

⁴ Қўнғиров И. Сиёсий, ҳуқуқий маданият – тараққиёт асоси // Ҳуқуқ ва бурч, 2010, -№1. – Б. 46-48.

буюк мутафаккирларнинг адолат тўғрисидаги қарашларига муҳим манба бўлиб хизмат қилди¹.

Адолат ғояларининг тарқалишида Маздакнинг диний-фалсафий қарашлари ҳам муҳим роль ўйнаган. У ўз даврида мол-мулк, ер, ҳокимият ва хотин ҳамма ўртасида тенг тақсимланиши лозимлигини тарғиб қилган. Уларнинг тенг тақсимланиши жамиятда адолат ўрнатишга олиб келади, деб ҳисоблаган.

Энг қадимги туркий тилда яратилган ва турк-руний ёзувда битилган Ўрхун – Енисей ёдгорликларидан тортиб, то XX аср бошларигача мавжуд бўлган асарлардан ташкил топган дидактик-бадий адабиёт намуналарида ҳам адолатнинг ахлоқий мазмунини ифодалашга катта эътибор берилганлигини кўришимиз мумкин. Хаттоки турк ҳуқуқий одатларида ҳам адолатнинг ахлоқий томонлари инобатга олинади. С.Асқарованинг тадқиқотларига кўра, “Турк хоқонлигида қадимий туркларнинг одатига кўра, аёлга муносабат, унга эҳтиром кўрсатиш олий мақомга қўйилар эди... Хотин-қизлар тўла ворислик ҳуқуқига эга бўлганлар – қонун уларни қаттиқ ҳимоя қилган. Бу ҳақда “Қадимги турклар” китобида шундай ёзилади: “Ниҳоятда шафқатсиз ва қаттол бўлган ҳуқуқ аёлларни ҳимоя қилар эди: эрли аёлни зўрлаган ўлимга ҳукм этилар, қизлик иффатига тажовуз қилган эркак унга шошилинич уйланиши мажбурий эди”². Туркларнинг мазкур одати жамиятдаги ахлоқий муносабатларда адолатга нечоғлик аҳамият берилганлигидан далолат беради.

ИСЛОМ ДИНИ МАНБАЛАРИДА АХЛОҚИЙ АДОЛАТ МАСАЛАСИ

Адолатнинг ислом фалсафасидаги ахлоқий моҳияти ҳақида файласуф олим Ҳайдарбек Алиқулов атрофлича тадқиқот олиб борган. Унинг таъкидлашича, Қуръони Каримнинг кўп сураларида одамларни бошқаларга зулм қилмасликка, таҳқирламасликка, адолатсиз бўлмасликка, бузғунчилик билан

¹ Алиқулов Х. Адолат буюк донишмандлар талкинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. 17 б

² Асқарова С. Турк хоқонлигида давлат ва ҳуқуқ масалалари // Ҳуқуқ ва бурч, 2010, -№6. – Б. 32-34.

шуғулланмасликка даъват этилади. Унда келтирилишича, одамларнинг айби туфайли куруқлик ва денгизда бузгунчилик пайдо бўлди. Инсон нимаики иш қилса, яхшилик қиладими, зулм ўтказадими, қилган ишлари учун фақат ўзи жавоб беради. Инсон ўзгаларга ноҳақлик қилса, зулм ўтказса, ўзининг қилмишлари, гуноҳлари учун, албатта, жазоланади: “Фақат одамларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақлик билан ҳадларидан ошадиган кимсалар(ни албатта жазолаш)гагина йўл бордир. Ана ўшалар учун аламли азоб бордир”.

Ислом фалсафасида адолатнинг ахлоқий жиҳати яна шундагина билинадики, инсонлар тижорат билан машғул бўлганларида, савдо-сотиқда, мол айирбошлашда ёки харид қилишда бир-бирини алдамаслиги, ҳалол савдо билан машғул бўлиши, фирибгарликка йўл қўймаслиги талаб этилади. Айниқса, ислом динида молларни сотишда тарозидан уриб қолиш иймонсизлик ва гуноҳи азим саналади¹.

Ислом динида адолатнинг ахлоқий жиҳатлари хусусида жуда кўп фикрлар мавжуд. “Ер юзида барча инсонларнинг Оллоҳ олдида тенглиги, уларни камситиш, хўрлаш, нафсониятига тегиш мумкин эмаслиги, бой ва камбағал деган тушунчаларга ажратмаслик каби хусусиятлар ислом бағрикенглигининг намунасидир”².

Ислом фалсафасида адолатнинг ахлоқий моҳияти кўпроқ диний талаблар билан мужассамлашиб кетганини кўрамиз. Хусусан, “Ғофир” сурасида “Кимки бирор ёмонлик қилса, унга (охиратда ўша ёмонлиги) баробаридагина жазо берилур. Эркаки, аёлми – кимки мўминлик ҳолида бирор яхшилик қилса, айнан ўшалар жаннатга дохил бўлурлар. У жойда уларга беҳисоб ризқ берилур”³, – деб айтилади.

Адолатнинг ахлоқий мезонлари ва талаблари илоҳий китобларда акс этган. “Қуръони Каримда бировни ноҳақ ўлдириш, ўзгалар мулкига кўз олайтириш, ўғирлик, зинокорлик, ҳасад энг катта гуноҳ сифатида қораланган, ота-онанинг ҳурмати жой-жойига қўйиш кераклиги қайта-қайта

¹ Алиқулов Х. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. - 24-25 б.

² Жумаев Р. Сиёсий бағрикенглик ва демократия // Жамият ва бошқарув, 2007, -№1. – Б. 12.

³ Қуръони Карим маъноларининг таржимаси. -Тошкент: 2001. –Б. 471.

таъкидланган. Инжилда ҳам: “Одам ўлдирма. Ўғрилиқ қилма. Сохта гувоҳлик берма. Ота-онангни ҳурмат қил. Ўзгани ўзинг каби сев”, – деб ёзилган”¹.

Ислом дини бўйича адолатнинг тескариси золимлик, ўзгаларга ёмонлик қилиш, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилиш, етим-есирларнинг ҳаққини ейиш, мўминларга жабр-ситам етказиш, алдамчилик, фирибгарлик ҳисобланади. Бундай ишлар билан шуғулланганлар учун охиратда тегишли жазоларни олишлари хусусида диний манбаларда жуда кўп ибратли фикрлар билдирилган. Ислом динида илгари сурилган ғоялар кишиларни ҳақ йўлга чорлашга, бу фаний дунёдаги воқеликлар ўткинчи эканлиги, савоб ишларни қилиш орқали дорулбақода тангри марҳаматига сазовор бўлиш мумкинлиги, акс ҳолда дўзах азобида қолишига йўғрилгандир. Бу борада Х.Алиқулов шундай дейди: “Инсонларнинг ҳидоят йўлидан бориши, эҳсон, меҳр-шафқатли бўлиш бутун ёвузликлар, вайронкорлик ва бузғунчилик ишларига қарама-қарши қўйилади. Ҳадисларда ўз даромадидан бева-бечораларга эҳсон қилувчи, ҳокисор, камтар, ифбатли кишилар, умуман ўзига бутун инсоний фазилатлар тўпланган яхши инсонлар ҳисобланади”².

Жамиятда ахлоқий кадриятлар адолат мезонлари билан мувофиқлашсагина унинг амалий аҳамияти юксак бўлади. Маълумки, ахлоқ – кишилар хатти-ҳаракатининг мазмуни ҳисобланиб, шахснинг тарбия кўрганлик даражаси, маданияти, маънавий қиёфасини ўзида намоён этади. Одамларнинг ўзини тутишлари, хатти-ҳаракатлари жамият томонидан баҳоланади. Кишилар учун маъқул бўлган ҳаракатлар яхшилик, аксинча бўлса, ёмонлик сифатида қабул қилинади. Жамоа учун зарар келтириши мумкин бўлган ишлар ҳамма замонларда ҳам қораланган. Ёмонлик қилувчи кишиларга нисбатан ҳамма замонларда ҳам адолат деб аталувчи тушунча асосида жазо ва бошқа мажбурлов чоралари қўлланилган. Қадимги даврдаги Хаммурапи қонунлари, Ману қонунлари, XII жадвал қонунлари, Солон қонунлари ва бошқа ҳуқуқ манбалари ахлоқий қоидаларининг адолат нуқтаи назаридан ҳимояланганлигини

¹ Бобоҳон Шариф. Эркинлаштириш ва маънавият // Жамият ва бошқарув, 2001 -№3. – Б. 38.

² Алиқулов Х. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривож. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 24-25

ўзларида намоён этади. Тўғри мазкур манбалар ибтидоий жамоа ва кулчилик муносабатлари асосида яратилган бўлиб, жамиятнинг барча қатламларини ҳуқуқий жиҳатдан тўла ҳимоя қилмайди. Аммо ахлоқий муносабатларда адолат мезонларини сақлаш мақсадида қаттиқ тартиблар ўрнатилган, баъзан ўта оғир, хаттоки ўлим билан туговчи жазолар қўлланилган. Жумладан, Қадимги Мисрда жазолар жуда оғирлиги билан ажралиб турган. Жазоларнинг энг кўп тарқалган тури ўлим жазоси ҳисобланган. У ёқиб юбориш ёки қозикқа ўтқазиш, бошини кесиш, осиш, тириклайин кўмиб юбориш, қўл-оёқларини бутга тортиб михлаш каби усулларда қўлланилган¹.

Ўрта асрларда Ғарбда ва Шарқда ахлоқий меъёрлар диний тартиблар билан қоришиб кетган. Ғарбий Осиёда ислом дини ижтимоий ҳаётда катта роль ўйнаган. Ахлоқий қадриятларга зарар етказиш шариат қоидалари асосида жазоланишга олиб келган. Ғарбда бу вазифани католик черковининг инквизиция суди амалга оширган.

Қуръони Каримда оилавий муносабатлардаги одиллик масаласи ҳам эътиборга моликдир. Мусулмон ҳуқуқи қоидалари бўйича эркак киши тўрттагача аёлга уйланиши мумкин. Ислом дини кўп хотинлиликни рад этмади. Адолатни асос қилган ҳолда "Қуръони Карим"да: "Агар етимларга (нисбатан) адолатли бўла олмасликдан қўрқсангиз, "Сизлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар. Бордию (улар ўртасида) одил бўла олмасликдан қўрқсангиз, бир аёлга (уйланинг) ёки қўл остингиздаги чўрилар (билан кифояланинг)" (4:3)². Кейинги оятларда эса: "Ҳар қанча уринсангизлар ҳам, хотинларингиз ўртасида адолат қилишга қодир бўлмайсизлар"³ (Нисо сураси, 129-оят) дея марҳамат қилинган оятлар мазмунидан кўриниб турибдики, адолат фақат уй эҳтиёжида тенглик эмас, айни пайтда муҳаббатда, ҳурмат ва эъзозда ҳам тенгликни ифода этади.

Оилада адолатга риоя этиш масаласида исломшунос олим Алоуддин Мансур Нисо сураси 3-оятига баҳо берар экан,

¹ Муҳамедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. I-қисм. -Тошкент: Адолат, 1999. – 73 б.

² Қуръони Карим. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001. -77 б.

³ . Ўша жойда. -99 б.

қуйидагича изоҳ берган: “Ислом моддий имкониятлари бўлган кишиларга, агар адолат қила олишнинг уддасидан чиқсалар, бирдан ортиқ аёл билан турмуш қуришга рухсат беради ва шу йўл билан бирга аёллар ўртасида адолат қилмай, фақат шахвоний нафсни қондириш учунгина кўп хотин олишга ружу қўйган кимсалар учун охиратда ашаддий азоб бериши ҳақида огоҳлантиради”¹.

3.Алимова тадқиқотларида эса ислом оламида хотин-қизларга муносабатда адолат тамойилларини кўрсатиб ўтади. Адолат жамият тараққиётининг мезони эканлиги, бевосита аёллар муаммоларини ҳал қилишда унинг ўрни алоҳида тилга олинади.²

Манбаларда адолат дейилганда, ижтимоий муносабатларнинг фақат меъёру-ўлчови, тош-тарозуси тушунилмайди, балки адолат ва адолат мезони тушунчалари орқали исломий меҳр-мурувват, кишилар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган қадрият деб қаралиб, бу тушунчанинг ижтимоий моҳияти белгиланади. "Қуръон"да хотин-қизлар ҳуқуқининг тамоман поймол қилинишига қарши кишиларни аёлларга нисбатан меҳр—мурувватли бўлишга даъват этувчи қатор суралар келтириб ўтилган. Ислом дини аёлларни латофатли, шафқатли, меҳрибон инсонлар бўлганлари сабабли уларга доимо яхши муносабат ва гўзал муомалада бўлиш хусусида таълим беради.

Шунингдек, ахлоқ-одобга оид ҳадисларда ҳам қуйидаги намуналар мавжуд: “Нуқсонсиз бўла туриб камтарин, ўзини мискин тутмаган ҳолда паст тутувчи, ҳалол йўл билан тўплаган молларидан эҳсон қилувчи иффатли, илму ҳикмат аҳли билан аралашиб юрадиган, мискин ва бева-бечораларга раҳму шафқат қиладиган одамга кўп яхшиликлар бўлур. Ўзини камтарин тутиб юрувчи, ҳалол касб қилувчи, қалби пок, кўриниши ёқимли, одамларга ўз ёмонлигини етказмай юрадиган кишилар нақадар яхши! Илмига амал қиладиган, ортиқча дунёдан ҳайру эҳсон қиладиган, беҳуда гапдан тилини тиядиган кишилар нақадар яхши кишилардир”³.

¹ Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансурники. -Тошкент: Чўлпон, 1992. – Б. 55.

² Алимова З. Ижтимоий адолат тамойилларини ислом динида намоён бўлиш хусусиятлари. Фалс. фан.номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006. -33 б.

³ Ахлоқ-одобга оид намуналар. -Тошкент: Фан, 1990. – Б. 204.

Исломда адолатнинг ахлоқий моҳияти хусусида фикрларнинг давом эттирган Ҳ. Алиқулов қуйидаги масалага эътибор қаратган: “Ислом динидаги муҳим масалалардан бири тенглик ва бойликка муносабатдир. Шунини айтиш лозимки, мусулмончиликда барча инсонлар Худо олдида, имон-этиқодда, тақводорлик ва солиҳ амалларни бажаришда тенг ҳисобланади. Одам Худонинг ер юзидаги бандаларидир. Шунинг учун одам бой ёки камбағал, шоҳу гадо бўладими – бир-бирини ҳурмат қилиши, бири иккинчисига паст назар билан қарамаслиги, иззат–нафсига тегмаслиги, ҳақорат қилмаслиги даркор... Баъзи инсонлар ўзгаларга кўпроқ яхшилик кўрсатиши, имкон борида уларга ёрдам бериши, тақво ишларини бажариши мумкин. Худо олдида улар инсонларнинг афзали ҳисобланади. Лекин бойлик ва мол-мулкка эгалик қилиш масаласида одам зоти бир-бири билан тенг эмас. Бойлик баъзи инсонларга Аллоҳ томонидан инъом этилган олий неъматдир. Шунинг учун бу илоҳий неъматни бошқалар билан, яъни қариндош-уруғ, бева-бечора, етим-есирлар билан баҳам кўриш керак”¹.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, ислом динидаги адолат ахлоқий жиҳати билан жамиятда катта таъсирга эга бўлган. Бу ҳолат хатто ҳуқуқий муносабатларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Бу ҳақда А. Муҳаммадиевнинг қуйидаги фикрини келтириш жоиздир: ислом ҳуқуқида “Шартномалар аксарият ҳолларда оғзаки тузилган, чунки тарафларнинг бир-бирига билдирган ишончи қатъий ифода бўлиб, у “лафзга”, яъни берилган сўзга, ваъдага асосланган. Ишончни оқламаган тараф учун “лафзи йўқ”, деган сўз жамоатчилик олдидаги обрўйига, шаънига доғ туширган, келажақда унга мулкӣ ва шахсий муносабатларда бошқалар билан қатнашиши имкониятини бермаган”².

Шарқ пандномаларида ҳам адолатнинг ахлоқий қирралари хусусида эътиборга лойиқ фикрлар учрайди. Абу Исмоил Абдуллоҳ Ансорийнинг “Насихатнома” китобида қуйидаги жумлалар келтирилган: “Бошқаларга асло ёмонлик қилма ва тилама. Ўзингга раво кўрмагани ўзгаларга раво кўрма. Ҳирс

¹ Алиқулов Ҳ. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривож. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 26-27

² Муҳаммадиев А. Фикҳда фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари // Ҳуқуқ ва бурч, 2009, -№5. – Б. 22

бандаси бўлма. Имконинг етгунча бировларнинг нонини ема. Бироқ нон-тузингни ҳеч кимдандан дариг тутма... Душманинг гарчи ҳақирдур, уни хорлама. Аҳдга доимо вафо қил. Илк жафосиданоқ дўст билан алоқани узма. Дўстни қахру ғазаб пайтида сина. Ҳамма кору ҳолда дўстларга ҳалимлик кўргаз. Ҳожатбарорликни улуғ иш англа. Сўзлаганда ҳеч кимни хижолат қилма”¹. Булардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ўтмиш аждодларимиз ахлоқий муносабатларда адолат меъёрлари қарор топиши учун кўп панд-насихатлар қилишган.

ЎРТА АСРЛАР АДАБИЁТИДА АХЛОҚИЙ АДОЛАТНИНГ ТАЛҚИНИ

Фалсафий тафаккур тарихида адолат ва ахлоқ масалалари бўйича юзага келган ғоялар, фикрлар ва тасаввурлар бадиий адабиёт соҳасида ҳам ўзига хос тараннум этилганлиги маълум. Бу аввало халқ оғзаки ижодиётининг асосий мавзуларидан бири бўлган. Дунё халқларида бўлгани сингари халқимиз адабий меросида ҳам ахлоқий адолат одил ҳукмдорлар ғоялари билан қоришиб кетган. Хусусан, “Тўмарис” афсонасида малика Эрон шоҳи Кайхусравга қарши қўйилади. Малика Тўмариснинг ўғли Спарангизнинг ҳийла билан қўлга туширилиши адолатсизлик ва ахлоқсизликдир. Бунга жавобан массагетлар маликасининг Кирни очик жангга даъват қилиш адолатлилик сифатида тилга олинади.

Кўплаб эртақ ва дostonларда ҳам золим, мунофиқ, хасис, ситамгар, иккиюзламачи образларига нисбатан одил, ҳақиқатпарвар, оқил, саҳий, тўғрисўз қаҳрамонлар қарама-қарши қўйилади. Уларнинг барчасида ахлоқий фазилатли, яхши образлар якунда ғолиб келиши орқали адолат тараннум этилади. Бу орқали адолатнинг ахлоқий жиҳати халқнинг маънавий эҳтиёжига айланиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

Ўрта асрларда жамияттаги ахлоқий меъёрлар тизимида адолатнинг қарор топиши кўпроқ сиёсий бошқарувнинг тўғри йўлга қўйилиши билан боғланган. Бундай масалалар Юсуф Хос

¹ Қаранг: Зоҳир – халқ назаргоҳи, ботин – Ҳақ назаргоҳи. Абу Исмоил Абдуллоҳ Ансорийнинг “Насихатнома” китобидан // Жамият ва бошқарув, 2001, -№1. – Б. 18.

Ҳожиб ижодида катта ўрин эгаллаган. У “Қутадғу билиг” достонида давлатни бошқариш амаллари ва қоидалари жамиятдаги ахлоқий муносабатларда нечоғлик аҳамиятлилиги ҳақида фикр юритади. У адолатлиликнинг туғма хусусияти хусусида шундай деб ёзган: “Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғилдилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса, яхши иш юритиш уқуви билан ҳам сийлайди”¹. Бундан кўринадики, мутафаккир жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги адолатга риоя қилишни туғма истеъдод, деб билади ҳамда уни жамият учун керакли деб ҳисоблайди. Зотан тўрт намоёндалардан бири – Кунтуғди – адолат тимсоли сифатида тилга олинади. Юсуф Хос Ҳожиб жамиятда адолатнинг ривожини билим билан боғлайди. “Илм ва адолат – деб ёзади М. Мунавварова, – қудратли давлатнинг маънавий таянчидир. Юсуф Хос Ҳожиб ўз асари номида ҳам шу ғояни мухтасар ифодалаган... Бинобарин, илм ва адолат ҳаёлий орзу бўлмай, айнан жамият ҳаётида қарор топиши керак”². “Қутадғу билиг” асарида инсон Аллоҳнинг ер юзидаги халифаси деб баҳоланади, унинг фазилатлари, кадр-қиммати, одоб-ахлоқи, маданияти, маърифати ва мавжудотлар ичра буюклиги ҳурмат билан тилга олинади. “Одамзод насли, – дейилади дostonда, – аслида ер юзидаги барча жонлилар орасида энг улуғдир, аммо бу улуғлик билим билангина тўлиқлик, мукаммаллик касб этади”³. Ижтимоий ҳаётдаги адолатсизликлар, ярамас ишлар билимсизлик, жаҳолат, нодонлик оқибатида юз беради, деган хулоса берилади.

АДОЛАТ ҲАҚИДА МУТАФАККИРЛАР МЕРОСИ

Адолатнинг ахлоқий моҳияти жамиятда, муайян жамоада шаклланади ва ривожланади. Унинг бу хусусияти хусусида кенг мушоҳада юритган аллома, шубҳасиз, қомусий олим Абу Наср

¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент: Фан, 1971. – Б. 329.

² Мунавварова М. Миллий истиқлол ғоясининг маънавий илдизлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2010 -№4 – Б. 54.

³ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. -Тошкент: Юлдузча, 1990. – Б. 46.

Форобийдир. “Форобий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида инсоният жамиятини бошқаришда ва ривожланишида адолат ва ахлоқнинг аҳамиятини шакллантириш қонуниятларининг назарий принципларини яратганлиги билан машҳурдир”¹.

Форобий илм, ақл, донолик, таълим – тарбияни бахтга эришишнинг асосий воситаси сифатида талқин қилади. Одамлар ўртасидаги аҳил-иноқлик, тотувликка эришиш учун савобли ишлар қилишга даъват этади.

“Фозил одамлар шахри” асаридаги ғояни ёдга олинг, – дейди И.А.Каримов, – унга кўра жамиятнинг ҳар бир фуқароси мансаби, тутган ўрни, яъни ким бўлишидан қатъий назар “Фозил киши”, “Фозил инсон”, ўз давлатининг барча қонун-қоидаларини яхши билади, унга амал қилади, фикрлайди, ўз касбининг устаси, лозим бўлганда Ватан учун жон фидо қилади. Фозиллар шахри аҳолиси бир-бирига ҳурматда бўлади”².

Жамият ахлоқий муносабатларида кишилар характериға хос майллар воситасида адолатнинг роли тушиб кетиши ҳолати Форобий томонидан ўзига хос тарзда талқин қилинади. “Фазилатсиз шаҳарларнинг одамлари ёмон феъллари, табиатлари туфайли кўнгиллари, руҳлари ҳам ёмонлашиб бораверади. Мабодо улар ана шу ёмон ишларида изчил саъй-ҳаракат, тобора куч-ғайрат кўрсатса, уларнинг руҳлари янада кўпроқ ёмонлашади ва майиб-мажруҳ бўлиб қолади. Шу туфайли улар ўзларига ёқадиган ёмон ишлардан ҳузур-ҳаловат оладилар”³, – дейди Форобий. Табиийки, бундай ҳол жамият ахлоқий муносабатларидаги адолат мезонларига зарар етказди. Адолат талабларига зиён етказувчи, маънавий ахлоқий фазилатлардан маҳрум бўлган, ўз фаолияти давомида уларга риоя қилмайдиган кишилар уюшмаси “жоҳиллар” жамоаси деб аталади. Бундай жамиятда яшовчи кишиларнинг асосий мақсади турли хил бойликларни қўлга киритиш, ўз мақсадлари ва манфаатларини қондириш учун ҳамма имкониятларни ишга солиш, зулм ўтказиш, алдов керак бўлса, қонунлардан ҳам ўз манфаатлари йўлида фойдаланишдир. Улар ҳақиқий инсонга хос бўлмаган

¹ Рўзиев М. Демократик жамият тўғрисидаги илқ қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. -№4. – Б. 59.

² Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. -Тошкент: Шарқ, 1999. – Б. 86-87.

³ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. -Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 166.

ҳаракатларни яшашнинг асосий йўли ва воситаси деб биладилар. “Зеро фозил бўлмаган жамиятларда юқори табақа ўзига ҳоким бўлиб, масъулият ўрнига дахлсизликка эгадир. Бундай жамиятларда аслзодалар озми-кўпми қонундан ҳам кўра баландроқ жойни эгаллаб, қонунларни ўз манфаат ва мақсадлари нуқтаи назаридан тафсир қилиб уни ўзгартирадилар ва баъзан кўрмасликка, тан олмасликка бориб етадилар”¹. Бундай кишиларнинг ахлоқи, мутафаккирнинг фикрича, жамият аъзолари ўртасидаги ахлоқий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади.

Кишилар ўртасидаги ахлоқий муносабатларда адолат меъёрларининг барқарорлиги раҳбарлар ахлоқига ҳам боғлиқ бўлиб, уларнинг жоҳилликлари туфайли адолатсизликлар авж олади. Келажак авлод ҳам ана шундай ҳолга келади. “Баъзи шаҳар (ёки мамлакат)лар бўладик, – дейди Форобий, – уларда бутун халқнинг фикри-зикри, ақл-идроки бойлик тўплаш, мол-дунё орттиришга қаратилган бўлади. Улардан чиққан ҳукмдорлар ҳам раҳбарликни мол-дунё кўпайтиришда деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар эртаю-кеч мол-дунё тўплаш ҳаракатида бўладилар. Бундай раҳбарларнинг қўл остида ишлайдиганлар шаҳар халқларида турли бузук одатлар, шаҳвоний нафс, бир-бирларини кўролмаслик, бир-бирларини талаш, душманлик, низо-жанжаллар пайдо бўлади. Ана шундай шаҳар халқларидан майллари турлича бўлган авлод туғилади”².

Файласуф олим Х.Алиқулов Форобийнинг адолат ҳақидаги ахлоқий қарашларини тадқиқ қилиб, адолат мутафаккир наздида тенглик маъносида талқин қилганлигини эътироф этади. Унинг фикрича, “Форобийнинг ахлоқ категориялари, шу жумладан адолат тўғрисидаги фикрларининг таҳлили шуни кўрсатадики, у ҳар бир тушунчанинг моҳиятини чуқур очиқ беради, уларга дидактик ва тарихийлик нуқтаи назаридан ёндошади, уларнинг нисбийлиги ва ўзгарувчанлигини кўрсатиб беради. Унинг дунёқарашидаги ахлоқий категориялар бир-бири билан боғлиқ ҳолда бўлиб, ўзаро бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар сифатида қаралади”³.

¹ Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. -Тошкент: Ёзувчи, 2002. – Б.62

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. -Тошкент: А. Қодирӣ номидagi халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 190-191.

³ Алиқулов Х. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 35.

Шарқ дунёсида давлат бошқаруви ва унинг ахлоққа муносабати хусусида бошқачароқ қарашлар мавжуд бўлган. Шарқ дунёсида “жамиятни қонунлар билан эмас, ахлоқ, эзгу амаллар ва урф –одатлар билан бошқариш ғоясини илк бор Конфуций илгари сурган”¹.

Марказий Осиёдаги фалсафий фикрларда ҳам давлат бошқаруви ва ахлоқий адолат масалалари чатишиб кетганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Давлат бошқаруви, адолат ахлоқнинг диалектик боғлиқлиги хусусида, айниқса, Абу Наср Фаробийнинг илмий мероси диққатга сазовордир. У ўзининг “Фозил одамлар шахри” рисоласида шахар бошлиғи, ҳокими ўн иккита хислатга эга бўлиши зарурлигини қайд этади. Бу хислатлар орқали ҳамда ҳокимнинг ахлоқи ва адолати воситасида мамлакат фаровонлиги таъминланади, деб ҳисоблайди. Жумладан ўн биринчи хислатга тўхталиб қуйидагиларни ёзади: (ҳоким) “табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшилиқни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга муросасиз бўлиши зарур”².

Фаробийнинг фикрига кўра, ҳоким давлат бошқарувида ахлоқ ва адолатга риоя қилса, фуқаролар ҳам шундай хислатларга эга бўлади. Шахар фуқаролари билан шахар бошлиғи ўртасидаги муносабат муҳаббат асосида қурилиши зарур. Ҳокимнинг асосий вазифаси аҳолининг ахлоқий фазилатлари ва амалий фаолиятини мўътадиллик ва ўртаҳолликда сақлаб туришга ёрдам бериши даркор. Акс ҳолда меъёрнинг бузилиши, уни сақлаб турмаслик фозил шахарнинг сақланиб қолишига хавф туғдиради³.

Қонунлар ахлоқий тамойиллар ва меъёрлардан ўсиб чиқади. Қонунларнинг жамият ахлоқий муносабатлари тизимида тутган ўрни, ахлоқий адолатни таъминлашдаги аҳамияти тўғрисида Абу Наср Фаробий эътиборга молик фикрларни илгари сурган.

¹ Алимасов В. Адолат мезони // Тафаккур, 2006, -№3. – Б 111.

² Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. -Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. – Б. 150.

³ Аликулов Х. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – 39-40 б.

“Унинг таъкидлашича, қонунлар жамиятнинг барча аъзолари учун фойдали ва адолатли бўлиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бир хилда ҳимоя қилиши, барқарор бўлиши ҳамда бир неча авлодлар учун хизмат қилиши керак. Қонуннинг вазифаси фуқаролар ўртасида тартиб ўрнатиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, муҳофаа қилиш, уй-жой, мол-мулк, оила ва никоҳ, иш ҳақи ва бошқа барча масалаларда вужудга келган зиддиятларнинг олдини олиш, уларни адолат юзасидан ижобий ҳал этишдир”¹.

Фаробий қонунлар ишлаб чиқирилишининг маънавий–ахлоқий аҳамиятини яхши тушунган. Яхши қонунлар жамият аъзоларини ахлоқий адолат меъёрларига амал қилишларига ўргатишини кўра билган. Бу ҳақда: “Қонунни ишлаб чиқарувчилар шаҳар аҳлини яхши одатларга ўргатадилар. Бу ҳар бир қонун ижодкорининг мақсадидир. Агар кимки, бунинг уддасидан чиқа олмаса, ўз мақсадига эриша олмайди, мағлубиятга учрайди”², деб ёзган эди. Унинг бу фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Хусусан, Фаробий шаҳар бошлиғини табибга ўхшатади. Агар табиб беморни бирон-бир касалини тўғри даволаса, унинг бошқа аъзоларига ҳам таъсир кўрсатиб соғайиб кетади ва аксинча, табиб беморни фақат касал бўлган жойини даволашга ҳаракат қилса, унда касалнинг бошқа аъзоларига салбий таъсир кўрсатиши мумкин³.

Профессор Ҳ.Алиқуловнинг ёзишича, Фаробий талқинида адолатнинг асосида турли омиллардан ташқари тенглик ётади. Кишиларнинг тенглиги шунда билинадики, туғилганда улар тенг бўлиб, бирор нарсага туғма қобилияти бўлади. Иккинчи томондан, адолатнинг тенгликни билдирмаслик жиҳати шундан иборатки, ҳар бир киши хизмати ва қобилияти, жамиятдаги мавқеида қобилиятига тўғри келадиган обрў ва бойликка эга бўлади. У ерда тенглик фозил одамлар шаҳридаги вазиятга қараб одамга моддий ва маънавий бойликларни ўзига қайтиши ва ундан кетишининг бир хил ва тенг қийматга эга бўлиши маъносида

¹ Тожибоева Х. Қонун ва жамият Фаробий нигоҳида // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2005. - №4. - - Б. 32.

² “Ғафилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида”. -Тошкент: Ёзувчи, 2002. – Б. 18.

³ Алиқулов Ҳ. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. - 40-41 б.

қўлланилади. Форобий фозил шаҳар одамларининг асосий мақсади бахт-саодатга эришув бўлиши керак, деб ҳисоблайди¹.

Адолатли мукаммал жамият ҳақидаги ғоялар Абу Райҳон Беруний қарашларида ҳам ўз аксини топган. Қомусий олим “Ҳиндистон” номли асарида хинд оролларида бирида осойишталик, иноқлик, жабр-зулмсиз, тенгликка асосланган ҳаёт хусусида фикр юритган. “Улар бир жинс бўлиб, – дейди Беруний, – ораларида қарама-қаршилик йўқ, қахатчилик кўрмайдилар ва қаримайдилар... Уларда хизматкорлик, ҳўжайинлик, гуноҳ қилиш, бир-бирини кўра олмаслик, қарама-қаршилик, ортиқча гап-сўзга бериш, савдогарликка уриниш йўқ. Бу оролда бир-бирлари билан тенг”². Мазкур фикри билан Беруний ахлоқий муносабатларда адолатнинг тенглик хусусиятига эътиборни қаратган. Одамлар орасида муносабатларда адолатнинг ўрнатилиши ва ривожланишида тенгликнинг аҳамияти масаласи кейинги давр мутафаккирлари қарашларида ҳам ўз аксини топган.

Берунийнинг қарашларидан шу нарса ойдинлашадики, инсон қиёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Унинг икки қиёфасига келсак, уни инсон чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгартириши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг соҳибидир. Жамият тадрижий ўзгаришлар орқали ривожланиб боради. Адолат, фуқаро учун ғамхўрлик, зулмни бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат туғи остида бошқариш мутафаккирнинг идеалидир³.

Форобийга замондош бўлган қомусий олим ибн Сино Ўрта Осиё табиий-илмий ва ижтимоий фалсафий фикрларининг буюк намоёндаси тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий таълимот тарихига улкан ҳисса қўшган мутафаккирлардандир. Унинг “Ишорат ва танбиҳот”, “Рисолату тадбири манзил”, “Қуш тили” каби асарлари бевосита давлат бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига бағишланган⁴.

Абу Али ибн Синонинг фалсафий-ахлоқий қарашларида кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ўзаро ёрдам ва ҳамкорлиги

¹ Аликулов Ҳ. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, .2010. - 37-38 б.

² Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. 2-Том. -Тошкент: Фан, 1965. – Б. 101-102.

³ Фалсафа асослари. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2005. - 75 б.

⁴ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 676.

жамиятдаги адолат меъёрларининг таркибий қисмини ташкил этади: “Дўстлар ҳақиқатга кўрар кўз билан қарайдилар, кўнгилдан ифлослик ва шак-шубҳа зангини кетказадилар, чунки уларни ҳолисона дўстликдан бошқа ҳеч нарса бирлаштирмаган. Дўстлик инсоннинг шундай бир ҳолатидирки, бунда яхшилиқни ўзи учун эмас, балки биров учун истайди, ҳолос. Шу ҳолатда кишида бошқага нисбатан яхшилиқ қилишга даъваткор фазилат пайдо бўлади. Дўстлик бу яхши кўрувчидир. Дўст ўз дўстининг хурсандчилигида ҳам, бахтсизлик кезларида ҳам, қайғу-шодлигида ҳам шерик бўлади”¹.

Абу Али ибн Сино адолатли, фуқаролик жамиятини инсонлар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш орқали ташкил этиш ғоясини илгари сурган². Ибн Синонинг тушунтиришича, турли жамоаларга бирлашган одамлар фаолиятини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи муҳим омиллардан яна бири ахлоқдир. Инсонни камолотга етказувчи куч – чинакам муҳаббатдир³. Инсоннинг ҳар томонлама соғломлиги ва жамиятдаги ахлоқий қадриятларнинг барқарорлиги фуқаролик жамиятнинг кафолатидир.

Марказий Осиё халқлари маънавий меросида дил поклиги ва руҳ комиллигига ўргатадиган тасаввуф адолатнинг ахлоқий муносабатлардаги ботиний асосларини ўзига хос тарзда тавсифлайди. О.Файзуллаевнинг ёзишича, тасаввуфда “билимга нисбатан одоб юқорироқ туради. Одоб билимнинг устқурмаси”⁴ дир.

ҲАДИС ВА ПАНДНОМАЛАРДА АХЛОҚИЙ АДОЛАТ МАСАЛАСИ

Мутасаввуфлар Юсуф Хамадоний, Абдуҳолиқ Гиждувоний, Аҳмад Яссавий, Амир Кулол, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Хожа Аҳрор ва бошқаларнинг қарашларидаги марказий ғоя – Аллоҳнинг васлига етишдир. Бунга шарият,

¹ Ҳикматларга тўла бу дунё. -Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 40-41.

² Каранг. Ибн Сина. Избранные философские произведения. Москва: Наука. 1980. – 60-77 с.

³ Чориев А. Инсон фалсафаси. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2007. - 155-156 б.

⁴ Файзуллаев О. Фалсафа ва фан методологияси. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. – Б. 6.

тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичлари орқали ўтилади. Босқичлардан ўтишда инсонларга яхшилик қилиш, одамийлик, меҳр-мурувват, саҳийлик, ватанпарварлик, ситам етказмаслик, бева-бечораларга ёрдам бериш каби фазилатларга эга бўлиш лозим.

Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанднинг “Дил ба ёру, даст ба кор” (Кўнглинг доим Аллоҳда, қўлинг доим меҳнатда бўлсин) ақидаси Яратганни дилда сақлаган ҳолда, кишиларни касб-ҳунар эгаллашга чорлайди. Бу йўл билан кишилар меҳнатга жалб қилинади. Зеро меҳнаткаш одам ёмонликлар, шафқатсизлик ва мунофиқликдан узоқда бўлади. Ўз навбатида меҳнат ахлоқий муносабатлардаги адолат анъаналари қарор топишига олиб келади.

Адолатнинг ахлоқий мазмунининг муҳим компонентларидан бир яхшилик қилишдир. Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг фалсафий меросини тадқиқ қилган файласуф Ҳ.Алиқулов шундай деб ёзади: “Абдуҳолиқ Ғиждувонийнинг диққатга сазовор фикрларидан яна бири, бизнинг назаримизча, ёмонларга яхшилик қилиш тўғрисидаги фикридир. Агар бирор кимса бошқа одамнинг кўнглини оғритган ёки зарар етказган бўлса, зинҳор ундан қасд олиш пайида бўлмаслиги даркор. Чунки унинг ёмонлигининг ўзи ул шахсга жазодир”¹.

Давлат бошқарувини адолатли йўлга қўйиш, жамиятда адолат меъёрлари устиворлигини таъминлаш бўйича улкан илмий-назарий мерос қолдирган Ўрта аср мутафаккири Низомул-мулк “Сиёсатнома” асарида қизиқарли фикрларни баён этган. Аллома адолатнинг сиёсий жиҳатлари хусусида сўз юритиб, унинг жамият ахлоқий муносабатларидаги ўрнига ҳам кенг тўхталган. Хусусан амалдорларнинг ва подшоҳларнинг ахлоқий фазилатлари, унинг фуқаролар билан муносабатлари жамият ривожини учун нечоғлик аҳамиятлилиги таҳлил қилинган.

Ислом ҳуқуқи илмининг йирик намоёндаси Бурҳониддин Марғилоний “Ҳидоя” асарида узоқ ва яқин қариндошлар, қўшнилар орасидаги ахлоқий муносабатлар юзасидан қизиқарли фикрлар айтади. Ўзининг яқин ва узоқ қариндошлари ҳолидан хабардор бўлиб туриш, агар беморлари бўлса бориб кўриш, кекса

¹ Алиқулов Х. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривожини. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 41.

ва ночорларга ёрдам бериш ҳақиқий мўминларнинг ишидир, деган ғоялар илгари сурилган. Бунда қариндошлар ўртасидаги меҳр-оқибат алоқалари мавжуд бўлса, бутун жамият ичида ҳам шундай ришталар ривожланади. Бу жамият ахлоқий муносабатларида золимлик, худбинлик, такаббурлик йўқолиб, адолат меъёрлари қарор топишига олиб келади. Зеро жамият оилалар, қариндош-уруғлардан ташкил топган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу даврда адолат ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳалари учун ахлоқий эҳтиёжга айланган маънавий ҳодиса эканлигини манбаларда билдирилган қарашлар орқали англаш мумкин. Чунки адолат дин, давлат, сиёсат, савдо, тарбия, маърифат масалаларида ҳам асосий мезонга айланди. Бу борада Бурҳониддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асарида савдо, солиқ, ушр (тўлов) га оид масалаларни хал этишда адолат асосий мезон эканлиги, айниқса, ҳар бир одамдан ушр (тўлов) олинаётганда асосий эътибор, унинг мусулмон ёки ғайридин бўлишидан қатъий назар, адолат мезонига риоя қилинишини уқтиради.¹ Бундай ҳукм адолат масаласига юксак инсонпарварлик руҳида ёндашиш ва бу билан жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлашга даъват қилиш ҳамдир.

Марғилонийнинг кўни-қўшничиликдаги ахлоқий масалаларига ҳам ўз муносабатини билдириб ўтган. “Исломда қўшнилари билан ҳақ-ҳуқуқларига алоҳида эътибор берилган. Унга кўра, қўшнилари билан ўзаро ҳақ-ҳуқуқи бир-бири билан яхши муносабатда бўлиши, хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин бир-бирларига ёрдам беришлари дир. Қўшнига ёрдам беришдан мақсад ёрдам сўраса ёрдам бериш, касал бўлса хабар олиш, хурсандчилик вақтида табриклаш, мусибат келганда ҳамдард бўлишдир. Бурҳониддин Марғилоний “Ҳидоя” асарида бу тушунчаларни шарҳлар экан, Қуръони Каримдан ташқари Ҳадисларга ҳам таянган. Жумладан, пайғамбаримиз (С.А.В.) ўз ҳадисларидан бирида: “Кимки Аллоҳга ва қиёмат кунига иймон келтирса, ўз қўшнисига яхшилик қилсин”, – деб марҳамат қилганини келтиради”².

Адолат ахлоқ категориялари билан бирга намоён бўлади. Инсоний муносабатлардаги тенглик, ўзига раво кўрган нарсани

¹ Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя. Закот китоби. – Тошкент: Адолат, 2002. Т.1. – 378 б.

² Аҳмедова М. “Ҳидоя” асарида инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№12. – Б. 31-32.

ўзгаларга раво кўриш, ўзгаларни таҳқирламаслик, иззат-нафсига тегмаслик, табиий камчиликларини юзига солмаслик, зулм ўтказмаслик яхшилик (эзгулик)ка асосланган тушунчалар заминиди ҳосил бўлади.

Ўтмишдаги мутафаккирлар ахлоқий адолатнинг намоён бўлишини хилма-хил категориялар билан боғлашган. Форобийнинг фикрича, адолат яхшилик, донолик, жасурлик, мулоҳазакорлик, меҳрибонлик, илм, нафсни тийиш, саҳийлик, шижоат, зеҳнлилик ва шунга ўхшаш тушунчалар билан ўзаро алоқада бўлади¹. Навоий ижодида эса одиллик адолат билан бирга тараннум этилади². Адолат, Давоний талқинида садоқат, вафо, аҳиллик, раҳм-шафқат каби 12 та фазилат билан чамбарчас боғлиқдир³. Аммо ахлоқий адолатни бир ёки бир гуруҳ ахлоқий тушунчалар билан боғлиқ муаммони ҳал этмайди. Зеро адолат яхшилик ва ёмонлик нуқтаи-назарида баҳоладиган барча ахлоқий тушунчаларни баҳолаш хусусиятига эга. Шунингдек адолат жамиятни тартибга солувчилик хусусиятига эга. Адолат виждон, бурч, ор-номус, бахт каби ахлоқий-мезоний тушунчалар, инсонпарварлик, миллатпарварлик, тинчликпарварлик, ватанпарварлик тамойиллари ва этиканинг бошқа меъёрлари билан бевосита боғлиқдир.

Давоний Давлат бошқарувини олиб бораётган тизим ва у юритаётган сиёсат жамиятдаги тенгликни, адолатли муносабатларни таъминлашга хизмат қилади. Тизимнинг ва сиёсатнинг кучи шундаки, у ҳамманинг кўнгли тусаган ишини бажаришга йўл қўймайди. Одамлар ўртасидаги тенгликни таъминлашга ҳаракат қилади. Бу ҳақда Жалолиддин Давоний “Ахлоқи Жалолий” рисоласида шундай деб ёзган эди: “Кишиларга хоҳлаган иши билан шуғулланишига руҳсат берилса, ўзаро ёрдам камаяди, зеро ҳар бир киши ўз шахсий манфаати йўлида бошқаларга зиён етказди, (бу эса) ўзаро жанжал, бир-бирини йўқотиш ва бузуқчиликка сабаб бўлади. Демак, ҳар ким имкони борича кишилар ўртасидаги зўравонликка чек қўйишга ҳаракат қилмоғи керак. Бундай хатти-ҳаракат катта сиёсат

¹ Аликулов Ҳ. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – 31-35 б.

² Ўша жойда. – 57 б.

³ Аликулов Ҳ. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривож. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 129-134 б.

юритиш деб аталади”¹. Давоний бу фикр билан давлат сиёсати ва ахлоқий адолатни ўзаро уйғунликда деб билган.

Давлат бошқарувида раҳбарнинг фаолияти қанчалик аҳамиятлилиги хусусида Жалолиддин Давоний ўзининг “Ахлоқи Жалолий” рисоласида ибратли фикрларни айтган. У одил подшо фикридан келиб чиқиб қуйидагиларни ёзган: “Мадомики подшоҳнинг фаолияти адолат қонунларига асосланар экан, у ҳар бир тоифадаги кишиларни (қонун олдида) ўзига тенг деб ҳисоблайди, тазйиқ ва зулм ўтказишни ҳамда (керагидан) ортиқча талаб қилишни маън этади. Давлатнинг ҳар бир фармойиши навбати билан бажарилади. Агар ушбу қонунга ҳилоф иш тутиладиган бўлса, у ҳолда ҳар қайси тоифа ўз шахсий манфаатини қондиришга интилади ва бошқаларга зиён етказиб ҳаракат қилади. Мана шундай суиистеъмолчилик ёки камчиликлар натижасида дўстлик муносабатлари бузилади. Тажрибадан маълумки, ҳар бир давлат кишилар ўртасида аҳилликка эришиб, адолат қоидаларига амал қилганида ривож топа борган, кишилар ўртасида бир-бирига жабр-зулм ўтказиш ва адоват пайдо бўлганида эса инқирозга йўл тутган”².

Шунингдек, Давоний давлатни бошқариш учун кишида энг яхши фазилатлар жамланган бўлиши кераклигини таъкидлаган. У давлатни бошқарувчи шахсларга 10 та талабни қўйган: 1) ҳоким одамларда ўзига нисбатан нафрат уйғотмаслиги учун уларни ҳафа қилмаслиги, аксинча, эъзозлаши лозим; 2) шоҳ давлат ишларини ўз вақтида ва адолатли ижро этилиши тўғрисида жон қуйдириши зарур; 3) у хирс ва шахватга берилмаслиги лозим, чунки бу нарса давлатни барбод қилишга олиб келади; 4) давлат бошлиғининг ҳукми шошма-шошарлик ва ғазабга эмас, шафқат ва мурувватга асосланиши керак; 5) халқнинг эҳтиёжини қондиришда у Худонинг иродасидан келиб чиқиши лозим; 6) у халқнинг хоҳиш-истагини қондирувчи ишлардан ўзини олиб қочмаслиги керак. Агар шу ишлардан чекинса, бу билан у Худонинг иродасига қарши чиққан бўлади; 7) ҳоким авф этишни билиши керак, зеро бу одилликни билдиради; 8) у бирор қарор қабул қилишдан олдин ўз атрофидагилар билан кенгашиб олиши лозим; 9) подшоҳ ҳар кимни муносиб лавозим билан

¹ Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. -Тошкент: Адолат, 1995. – Б. 24.

² Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. -Тошкент: Адолат, 1995. – Б. 27.

таъминлаши, паст насабли ва қобилиятсиз кишиларга юқори мансаб бермаслиги зарур; 10) давлат бошлиғи адолатли фармонлар чиқариши, бирор кишининг қонунни бузишига йўл қўймаслиги лозим.

Давоний давлат бошлиғининг вазифалари хусусида фикр юритар экан, бошқарувда ўз қўл остидагилар фаолиятини кузатиш зарурлигини кўрсатиб ўтади. Айниқса, давлат бошлиғи вилоятлардаги ноибларининг ишини қаттиқ назорат қилиб туриши, уларнинг халқни эзишига, камбағалларга жабр-зулм ўтказишига йўл қўймаслиги зарур. Шунингдек, Давоний давлат бошлиғи ҳаммага тенг муносабатда бўлиши, бир кишининг бошқа киши устидан ҳукмронлигига йўл қўймаслиги зарурлигини ҳам айтиб ўтган¹.

Ахлоқий муносабатларда тенглик, адолат меъёрларининг амал қилишида давлат бошлиғи ўзидан қуйи раҳбарларга суяниши муҳим аҳамиятга эга. Жалолиддин Давонийнинг фалсафий меросини тадқиқ қилган профессор Х. Алиқулов унинг қарашларини қуйидагича таърифлаган: Давоний фикрича, “давлатнинг муҳим ишларида ҳар хил тоифага мансуб бўлган ақлли, одил ва жасур халқ вакиллари қатнашиши мақсадга мувофиқдир. Энг аввало, олимлар давлатни бошқаришда фаол иштирок этишлари зарур. Зеро улар кўп билимга эга ва уларнинг билимлари ҳақиқатни англашга қаратилгандир”².

Одамларнинг кучлилари кучсизлар устидан ҳукмронлигига йўл қўйилмаслик адолатнинг муҳим талабларидан биридир. Ҳусайн Воиз Кошифий ўзининг “Ахлоқи Муҳсиний” номли асарида шундай деб ёзган: “Олимларнинг айтишича, адолат бу – кишилар ўртасидаги тенгликни назорат қилишдирки, токи бир тоифа бошқа тоифа устидан ҳукмрон бўлмасин, ҳар қайси табақа ушбу қоидага риоя қилсин”³. Мутафаккирнинг бундай фикрлари ҳозирги даврда ҳам амалий аҳамиятини йўқотмаган.

Мазкур жараёнда кишиларнинг умуминсоний муносабатларда тенглик қоидаларига мувофиқ хатти-ҳаракатни амалга оширишга интилишлари муҳим роль ўйнайди. Шу ўринда

¹ Алиқулов Х. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривож. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – 119 б.

² Ўша жойда. – Б. 120-121.

³ Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. -Тошкент: Адолат, 1995. – Б. 30.

айтиш лозимки, баъзан бир кишининг ёмон ахлоқи кўпчиликка салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин. Бу ҳақда XIII-XVI асрларда яшаб ўтган Мажид Ҳавофий “Равзати ҳулд” (“Мангу боғ”) рисоласида шундай деб ёзган эди: “Жамиятда бир одамнинг ёмон ҳулқи ҳаммага таъсир қилади. Сачраган озгина лой минг чандон кўп ҳажмдаги сувни булғайди”¹. Шахснинг ижтимоийлашуви жараёнида бу каби ҳолатларни ҳам ҳисобга олиш зарур. Ижтимоийлашувда ҳар бир шахс жамият ахлоқий муносабатларидаги тенглик ва инсонийлик меъёрларининг зарурийлиги, таъсирчанлигини ҳис қилиши, онгли тушуниши, турмуш тарзига айланишида фаоллик кўрсатиши зарур. Зеро, “биз қураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислохотларнинг тақдири ва келажаги, аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ”².

Адолат ва ахлоқнинг давлат бошқарувидаги аҳамияти хусусида олима Ф. Муҳиддинова ибратли тадқиқотлар олиб борган. Марказий Осиёда илмий фикрлар тарихини ўрганиб, Хожа Самандар Термизий, Жомий, Кошифий, Низомулмулк ва бошқаларнинг мазкур масалага бағишланган манбаларини таҳлил этган. Хожа Самандар Термизий “Дастур ул-мулк” рисоласида адолатлилик, одиллик ғоялари тарғиб қилинади. Аллома ўз таълимоти орқали барча раҳбару ҳокимларни одилликка чақиради, ҳукмдор шу лавозимга эришганидан бошлаб ўзини эмас, халқини ўйлаб яшаши, юртнинг тинчлиги, элнинг фаровонлигини таъминлаши лозимлигини уқтиради. Бунда ўз тинчидан кечиб бўлса ҳам халқининг манфаатини ўйлаб, фидойи бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Хожа Самандар Термизий фикрича, подшоҳ гуноҳларни авф этиш ва кечиришни ўз шиорига айлантирмоғи лозим ва ўз мулозимларининг озгина гуноҳлари учун азоб-уқубатга ташламаслиги даркор. Шунингдек, Хожа Самандар Термизий жамиятда адолатни қарор топтириш учун давлат бошлиғи ҳар доим фуқаролар билан мулоқотда бўлиб туриши кераклигини

¹ Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. -Тошкент: Адолат, 1995. – Б. 16.

² Каримов И. А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиз / Халқ сўзи, 2006, 8 декабр.

уктиради. Ҳукмдор ўз халқи билан мустаҳкам алоқа ўрната олсагина, унинг бошқаруви одилона бўлади. Фуқаролар ҳар қандай шикоят ёки арзини ҳукмдорга бемалол билдиришлари, бошлиқ ҳам ўз навбатида уларни диққат билан тинглаб талабларини адолат билан ҳал қилиши лозим.

Хожа Самандар Термизий давлатни бошқаришда раҳбарларга уқтирган қарашларида авф этиш, кечиримли бўлиш лозимлиги ҳақида ҳам диққатга сазовор фикрлар бор. У ҳокимларга қарата авф этишни ўзига шиор қилиб олишни, хизматкорлари, мулозимларини кичкина айблари учун гина-кудурат, адоват, миннат қилиб юрмасдан, балки фаолияти дафтарига ёзиғлиқ кичкина, арзимас гуноҳларини авф ва илтифот, яхшилик суви билан ювишни, уларга ҳам меҳр-шафқат қилиб, этагини ёпиб қўйиш марҳаматини асло олмасликни таъкидлаган. Алломанинг фикрича, ҳеч қачон одамни салгина хато ёки камчилиги, гуноҳи учун оғир жазога тортмаслик лозим. Биринчи марта гуноҳ қилганни кечира олиш ҳам улугъ жасорат¹.

Олима Ф. Муҳиддинова тадқиқотларида бошқа алломаларнинг ҳам ибратли фикрлари учрайди. Унинг фикрича, Жомий подшоҳнинг яқинлари яхшиликка мойил, ростгўй, ҳукмдорни воқиф қилувчи кишилар бўлишлари лозим, деб ҳисоблайди. Кошифий ҳоким қуйидаги етти хил гуруҳ одамларни давлат хизматига яқинлаштирмаслиги лозимлигини, уларга ҳасадгўйлар, қурумсоқ ва ўтакетган ҳасислар, нотавон ва разиллар, кўрнамак ва сотқинлар, ёлғончилар, сергап ва паришонхотирлар киришини таъкидлаган. Низомулмулк давлат бошлиқларига бир қанча талабларни айтадики, уларни бошқара олган ҳукмдоргина бошқарувда адолатни таъминлай олади. Хусусан:

Ҳукмдор ўз ишонган мулозими ҳақида иғво-туҳматларга ишонмаслиги лозим. Чунки подшоҳга яқин бўлган кишиларнинг ўрнини эгаллашга ҳаракат қилувчи ҳасадгўй ва худбин кимсалар ҳар қандай йўл билан ўзларининг ниятларига эришишга интилади;

Подшоҳ ўз мажлисида сир ташувчи ғаддор, хиёнаткорларнинг иштирок этишига йўл қўймаслиги лозим. Агар

¹ Муҳиддинова Ф. Ахлоқийлик таълимоти ёхуд “Дастур ул-мулк” ўғитлари // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№4. – 19-20 б.

бирор кишида бундай одатлар борлигидан хабардор бўлиб қолса, тезлик билан уларни ўз даргоҳидан узоқлаштириши керак;

Подшоҳ ўз давлат арбоблари билан яхши муносабатда бўлиши лозим. Зеро дўстларнинг ҳамкорлиги, яқдиллигида бошланган иш ҳамиша олдинга силжийди;

Ва ниҳоят, душманнинг лутфи, марҳаматига ҳеч вақт ишонмаслик лозим¹.

АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА АХЛОҚИЙ АДОЛАТ МАСАЛАЛАРИ

Адолат ҳақидаги ғоялар кейинчалик Амир Темур шахси билан боғлиқ ҳолда ривожланди. Марказий Осиё фалсафий фикрлари тарихида Соҳибқирон адолат тимсоли сифатида гавдаланади. Зеро, “Темур тузуклари”, шунингдек, Шарафиддин Али Яздий, Низомиддин Шомий, ибн Арабшоҳ, Руи Гонсалес де Клавихо ва кейинги давр муаллифларининг асарларида Амир Темур фаолиятида адолат нечоғлик ўрин тутганлиги хусусидаги маълумотлар етарлича топилади.

Амир Темур сиёсий ва ҳуқуқий адолатнинг рўёбга чиқиши ижтимоий муносабатларда адолат қарор топишининг асоси, деб ҳисоблаган. Саркарда адолатга умр бўйи амал қилиб яшаган. У ҳукмронлик қилган “ҳамма жойда амалда бўлган “Куч адолатда” шиори бутун Турон давлати ҳудудида ахлоқий ва маънавий мезонга айланади”². Ҳа, унинг ҳукмронлиги даврида адолатнинг кучи шу даражада юксак бўлдики, мамлакатда бирор одам бир товоқ олтин ё кумушни бошига қўйиб, Мағрибдан Машрикқача борса, ҳеч ким унга қўл чўзмас, олтин ё кумушдан биттаси ҳам камаймасди.

“Ҳақиқатдан ҳам улуғ Соҳибқироннинг қудрати унинг адолат ва инсофида эди. Соҳибқироннинг фикрича, инсон ҳар кимга бир хилда одил кўз билан қарай билиши лозим. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деган: “Мен сифатларимнинг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддият ва одил

¹ Мухиддинова Ф. Одиллик тантанаси // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№ 2. – 26 б.

² Муҳаммад Али. Амир Темур солномаси // Ҳуқуқ ва бурч, 2009, -№4. – Б. 24.

қарадим. Ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймасдим”¹.

Амир Темурнинг буюк хизматларидан бири шуки, давлат бошқарувидаги одиллик ахлоқий муносабатлардаги адолат тантанасининг кафолати эканлигини у амалда исботлаган. “Темурнинг саъй-ҳаракатлари билан, – деб ёзган Ҳ. Алиқулов – у забт этган ўлкаларда ҳамда Моворауннаҳр ва Хуросонда жиноятчилик, адолатсизлик, ўзгаларнинг ҳақиқа ҳиёнат қилиш, ўғрилиқ ва қароқчилик кескин камайиб кетди, қонун-қоидаларга риоя қилиш кучайди. Тожирлар, савдогарлар узоқ ўлкаларга бориб савдо қиладиган бўлдилар, талон-тарожлик, ўзгаларнинг молини тортиб олиш, куч ишлатиш, зиён-заҳмат етказиш каби ҳолларнинг олди олинди. Бу адолатсизлик ва ноҳақликларнинг йўқотилиши мамлакат фаровонлиги, моддий аҳволи ва куч-қудратининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди”².

Амир Темур адолатсизлиги учун Мироншоҳни тахтдан маҳрум этиб, ўрнига унинг вориси амирзода Умарни тайинлаб, махсус фармон чиқарди. Ушбу фармонда шундай таъкидланган эди: “Фарзанд ушбу улуғ ишни шу йўсинда олиб борсинки, токи у адолат, ҳақиқат, ҳукмдорлик заруриятлари ва раиятпарварлик учун кафолат бўла олсин, ҳамда унинг қоидаларига шундай бир тарзда амал қилсинки, токи у оламнинг ободлиги ва инсоннинг тинч-тотувлиги билан якун топсин; солиҳ кишилар аҳли тақво ва иршод асҳоби сидқ ва ҳақпарварларни қўллаб-қувватлаш ва эъзозлашда, масжид ва мадрасаларни таъмирлашда ва хайрли даргоҳларни кўпайтиришда тиришқоқлик намоёиш этиб, муфсидлар, авбошлар, жиноятчилар ва қароқчиларни ҳамда шариатга ҳилоф ишларнинг кўпайишини ва нодонлик қонун-қоидаларни таг-туғи билан йўқотишни зарур ва лозим деб билсин. Шундагина мамлакат ишлари бир текис боради. Салтанат мавқеи ва тўғри йўл-йўриқ барқарор бўлади”³.

Ҳақиқатан, улуғ соҳибқироннинг қудрати унинг адолат ва инсофида эди. Соҳибқироннинг фикрича, инсон ҳар кимга бир хилда одил кўз билан қарай билиши лозим. Бу ҳақда унинг ўзи

¹ Ўлжаева Ш. Куч – адолатда // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№4. – Б. 17.

² Алиқулов Х. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 52.

³ Ўлжаева Ш. Куч адолатда // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№4. – Б. 17.

шундай деган: “Мен сифатларининг энг аввали деб беғаразликни тушундим. Ҳаммага ҳам бир хил жиддият ва одил қарадим, ҳеч бир кимсани бошқасидан фарқ қилмасдим, бойни камбағалдан устун қўймасдим”.

Француз олими Жан-Поль Ру Амир Темури оддий халқнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб, фуқароларнинг манфаатлари йўлида хатто нарх-наво, олинадиган солиқлар, давлат хизматчиларининг хатти-ҳаракатларини ҳам каттиқ назорат қилганини келтиради. “Мен Амир Темурида гўзал инсоний фазилатлар мужассам бўлганига ишонаман, агар у адолатсиз, лоқайд ва ҳасис бўлганда, бу каби ишларни бажармаган бўларди”, - деб фикр билдиради француз олими¹.

Соҳибқирон Амир Темури жамият ва шахс муносабатлари масаласига адолат нуқтаи назаридан ёндашиб, “Ўз қудратимни сақлаш учун мен бир қўлимда адолат шамини иккинчи қўлимда беғаразлик шамини тутиб, ҳар икки шам билан бутун умр бўйи ўз йўлимни ёритиб юрдим. Барча қилмишларимда ана шундай адолат қоидаларига риоя қилдим”, - деб ёзади.² Бу тузукда Соҳибқирон бобомизнинг адолатли ҳукмдор эканлигини, шоҳ ва шоир Заҳириддин Бобури эса ирқи, дини, миллатидан қатъий назар, одамларнинг барчасига адолат қилиши³, аждодларимиз томонидан адолатнинг энг олий қадрият даражасига кўтарилганлигини англаш мумкин.

Шарқ, хусусан, Марказий Осиё алломаларининг асарларида адолатли ҳукмдор, одил подшо идеали катта ўринга эга. Марказий Осиё алломалари учун умумий бўлган жиҳат шуки, уларнинг барчаси ҳукмдор давлат бошқарувида адолатли бўлиши керак, шундагина бошқалар ҳам иш юритишда адолатга риоя қилишади, бошқарувдаги барча мансабдорларнинг одилликка амал қилиши халқнинг аҳволини енгиллаштиради, деб ҳисоблашган.

Марказий Осиё тарихида Амир Темури ҳақиқий адолатли раҳбар тимсоли сифатида намоён бўлади. Тарихий манбалар, олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг барчаси Соҳибқироннинг давлат бошқарувида адолат тамойилларига риоя

¹ Ўлжаева Ш. Куч адолатда // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№4. – 17 б.

² Темури тузуқлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996. – Б.53-55.

³ Бобури. Бобуринома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – Б.70-89.

қилганлигини исботлашга хизмат қилади. “Амир Темур раҳм-шафқат ва адолат юзасидан турли тоифаларга ўз ёрдамини аямайди. “Темур тузуклари”да қайд қилинишича, у ишсиз қолган косибларни иш билан таъминлайди, иши юришмай қолган ёки касодга учраган савдогарларга маблағ бериб туради, қийналиб қолган деҳқонларга эса уруғ ва асбоблар беришга фармон беради”¹

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, адолатли раҳбар ғояси ҳамма замонларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. “Адолат ва ҳақиқатга интилиш халқимиз табиатининг энг муҳим фазилатларидан биридир. Ўтмишда олий адолат ғояси мансабдор шахсларга қўйиладиган талаб ва баҳонинг асоси бўлган”². “Миллий маънавиятимизнинг қадим удумига кўра раҳбарнинг, юрт бошқарувчисининг энг асосий фазилати - адолат саналган. Бугун ҳам шундай. Аммо бугунги давримизда адолат тушунчаси илгариги тасаввурлардан анча фарқ қилади. Бугун воқеан адолатли бўлиш учун бир гуруҳ инсонлар жамоасини бошқариб боришни зиммасига олган одамдан кўп нарса талаб этилади”³.

Кейинги даврда адолат ғоялари бадиий адабиётда ҳам кенг акс эта бошлади. Адолат тушунчасининг ахлоқий қирралари Алишер Навоий ижодида кенг ўрин олган. Ҳазрат Навоий адолат сўзининг ўзаги бўлган “адл” сўзидаги ҳар бир ҳарфга бағишлаб, уларнинг ўзгача мазмун касб этишини шеърӣ сатрларда ҳам баён этган. Шунингдек Навоий адолат ҳақида сўз юритар экан, уни тўғрилиққа қиёслайди. Унинг фикрича, яхши кишига ҳам, ёмон кишига ҳам бир хил “карам” кўрсатиш, яъни золим ва мазлумга, дангаса ва меҳнатсеварга бир хил муносабатда бўлиш, яхшига кўп зулм қилиш, ёмонга кўп яхшилик қилиш билан баробардир⁴.

Адолат шоир фикрича, ахлоқӣ категория сифатида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, хатти-ҳаракатлари ва

¹ Аликулов Ҳ. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010. – Б. 50.

² Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. -Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б. 179.

³ Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. -Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2006. – Б. 321.

⁴ Қаранг: Оқбўтаев Б. Навоий ижодида “Адолат” сўзининг талқини // Жамият ва бошқарув, 2000, -№4. – 60-62 б.

қилмишларига нисбатан маънавий баҳо бўлиб, одамларнинг ахлоқий нормаларга муносиб ёки номуносиб қилган ишларини ифодалайди. Мазмунан адолат меҳр-шафқат, ҳайр-саховат, раҳмдиллик каби инсоний туйғуларни ўз ичига олади. Бошқача айтганда, ахлоқий категория сифатида адолат одамларнинг бири-бирига зиён етказмаслик, бировга ҳиёнат қилмаслик, бошқаларнинг манфаатига ва ор-номусига тегмаслик, инсонни ҳурмат қилиш, унинг қийинчиликларига ҳамдард бўлиш каби гўзал қоидаларда ифодаланади. Бундай ахлоқий сифат соҳиблари бўлиш, авваламбор ҳукмдорларга хосдир¹.

Алишер Навоий ахлоқий сифатларни кишиларнинг ўзаро муносабатларида юзага чиқиши мумкин бўлган амалий фазилатлар ифодаси сифатида тасвирлайди. Шунга кўра адолат ғояси инсоннинг ички оламини ифодаловчи муайян ахлоқий сифатларнинг мажмуасида ифодаланади².

Шоир адолатли кишилар элни одиллик билан бошқараётган яхши фазилатли кишилар хусусида илиқ фикрлар билдиради:

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким – адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳати бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш³.

Навоий ўз асарларида яхшилик ғояларини мақташ, ёмонликни қоралаш ва улардан инсонларни нафратланишга чақирган. Хусусан, “Муншоат” тўпламининг 10-номасида ичкиликбозлик ва адолат хусусида тўхталган. Унинг фикрича, адолат ва ичмаслик ҳукмдор учун бош масала бўлиши лозим. Чунки яхшиликларнинг каттаси адолат ва ёмонликларнинг аксари ичкилик орқасида рўй беради. Жамиятда адолат меъёрларини ўрнатишда Навоий қуйидаги уч жиҳатга эътиборни қаратган:

Илоҳнинг ўзи шариат талабларига амал қилиш ва бошқалардан ҳам шуни қатъий талаб этиш лозим;

Раиятнинг аҳволидан доимо хабардор бўлиб туриш, адолат истаб келганларининг мунтазам эшитиб, золимларни жазолаш,

¹ Қаранг: Эргашев И, Шарипов Б, Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. -Тошкент: Академия, 2002. – 51-52 б.

² Ўша жойда. – 53 б.

³ Алишер Навоий. Назмул жавоҳир. Асарлар. 15-том. -Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968. – 20 б.

шоҳ ва фуқаро орасида ўзаро ишонч ва муҳаббатни қарор топтириш;

Девонда иш юритишни қатъий интизом асосида йўлга қўйиш, таъмагирлик, порахўрлик, сусткашликка йўл қуймаслик.

Бунда ҳукмдорларнинг вазифаси ўртада туриб, ҳақ ва ноҳақни ажратиш, гуноҳкор ва золимни жазолаш, мазлум одамни ҳимоя қилиш ғояси назарда тутилган¹.

Алишер Навоий “Ҳайрал ул-аброр” достонида ростлик хусусида фикр юритар экан, унинг қуйидаги қарашлари бор. Навоий ростликни “вужуд уйи”, яъни борлиқнинг борлиқни мувозанат ва муносибликда тутиб турувчи устун, кишилиқ жамиятини ичдан ёритувчи мунаввар шам деб таърифлайди. Зеро, Аллоҳнинг бир исми Ҳақ, яъни ростлик (чин, ҳақиқат)дир. Бутун олам ана шу Ҳақ ҳикматининг қонунияти асосида қурилган, адолат ҳам аслида ростгўйликнинг тантанаси бўлмоғи керак. Одил одам шунинг учун одилки, у ўртада туриб, ростни ёлғондан, ҳақни ноҳақдан ажратади, ҳақиқатни барқарор этади. Ростлик – инсонни шарафловчи ахлоқий фазилат; имон-эътиқод асоси. Сулаймон пайғамбарнинг ростликка, адолатга риоя қилганлиги хусусида мисол келтирилган. “Навоий бу мисол орқали муҳим сиёсий-ижтимоий масалани кўтаради: ростлик ва адолат – давлат ва жамият барқарорлиги, пойдеворининг бош омили. Бунинг акси ўлароқ, ёлғончилик авж олса, ахлоққа путур этади, давлат ҳам, жамият ҳам емирила бошлайди”².

Навоий ўз фалсафий қарашларида ахлоқий муносабатлардаги адолат давлат бошқарувидаги одилona сиёсатга боғлиқлигини эътироф этади. Шоирнинг талқинига кўра, давлат бошлиғи доно, одил, маърифатли ва адолатли бўлса, мамлакатда осойишталик ва ривожланиш бўлади, халқнинг аҳволи яхшиланади. Агар подшо адолатли бўлса, халқи ҳам инсофли ва адолатли бўлади. Шу ва шунга монанд ғоялар “Ҳайрат ул-аброр”, “Садди Искандарий”, “Маҳбуб-ул қулуб”, “Сабъаи Сайёр” ва бошқа асарларида талқин қилинади.

Алишер Навоий адолат ва ахлоқ туғма хусусият эмас, деган хулосада бўлади. Зотан вақт, воқеа-ҳодисалар, инсонлардаги

¹ Қаранг: “Навоий ижодида давлатчилик ва ҳуқуқ” мавзусидаги давра суҳбати // Ҳуқуқ ва бурч, 2009, - №2. – 24-29 б.

² Комилов Н. Ажрим кўзгуси // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№2. – 29-31 б.

шахсий сифатлар воситасида адолатли ҳукмдорлар ҳам адолатсиз кишиларга айланиши мумкинлигини “Сабъаи Сайёр” достонидаги Баҳром орқали тасвирлаб беради. Достонда адолатлилиги билан ном қозонган шоҳ Баҳром Дилоромни кўриб қолганидан сўнг давлат бошқарувини кўлдан чиқаради. Мамлакатда жабр-зулм авж олишига сабабчи бўлади.

Давлат бошқарувидаги ҳукмдорнинг ахлоқи ва адолатлилиги хусусида Алишер Навоий ижодида ҳам ибратли фикрлар учрайди. Шоирнинг “Ҳайрат ул-аброр”, “Садди Искандарий”, “Сабъаи сайёр” каби асарларида шоҳнинг ахлоқи, адолатлилиги сиёсий тамойиллар билан уйғунлашиб кетганини кўрамиз. Алишер Навоий таъкидлаган фикрлар кейинги давр шоир ва ёзувчилари ижодида ҳам илгари сурилган.

Айни чоғда ахлоқий тарбия бериш узоқ давом этувчи мураккаб жараёнлигини ёддан чиқармаслик лозим. Бунда ахлоқий тарбиянинг ўзаги ғоя, эътиқод ва қадриятлардан иборатлиги муҳим аҳамиятга эга. Ўтмишда ҳам мутафаккирларимиз ахлоқий тарбиядаги ғоя ва қадриятларга кўп эътиборни қаратишган. Чунончи, адабий тарихимиздаги Навоий ва Бобурнинг киши тарбиясидаги қарашлари ва баён услублари ўзларига хос бўлса ҳам аслида бу қарашларда бир мақсад – шахсда инсоний фазилатларни тарбиялаш, мушкул пайтда кўмакка келиш, инсоф, адолат, шафқат, сабр ва чидамни умр мазмунига айлантириш, мунофиқликдан ҳазар қилишга даъват етакчилик қилади¹. Бу каби ғоялар эътиқод ва қадриятлар шахсни фаолликка, ҳаракатга даъват этиши шубҳасиздир. Ўз навбатида, фаоллик шахснинг муайян ғоя ёки қадриятларини ҳаётий эҳтиёж тарзида эътироф этиб, уларни эътиқодга айлантиришда таъсирчан омил ҳисобланади². Акс ҳолда, масалан, ахлоқсизлик ҳолатлари баъзан золимлик, худбинлик, тубанлик каби салбий хусусиятлар пайдо бўлишига олиб келади. Ўзгаларнинг ҳаққини ейиш, ирқий, миллий, диний кўринишдаги камситишлар мавжуд жойда инсон баъзан ўзи амал қиладиган ғоя, эътиқод ва қадриятларга зид равишда ўзини ўзи ақл-идрок орқали бошқара олмайди. Ундаги фаоллик тескари хусусиятга эга бўлади. “Улар табиат ва жамиятдаги қийинчиликларга қаршилик кўрсатиш давомида ўз

¹ Қудратиллаев Ҳ. Ижодкор ахлоқи улуғ адиблар талқинида // Ҳуқуқ ва бурч, 2011, -№2. –22 б.

² Файзиев О, Усмонов Э. Саломатлик фалсафаси. -Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. – 9-10 б.

ички маънавий дунёсини унутганлар, оқибатда уларнинг ички дунёси бешафқат бўлиб қолган”¹. Шу маънода фаоллик адолатнинг ахлоқий мазмунини англашда муҳим омил ҳисобланади. Ахлоқий адолатнинг намоён бўлишида фаоллик ахлоқий тарбия даражасини ўзида акс эттиради.

Бобур давлат бошқарувида адолат ва ахлоқ анъаналарига таянганлигига тарих гувоҳ. Унинг лашкари, бек ва аъёнлари таркибини турли жой, ўлка, миллат ва элатлар вакиллари ташкил этган. Манбалардан Бобурнинг уларнинг барчасига имкон қадар бир хил муомалада бўлгани, миллати, тили, эътиқодидан қатъий назар, бир даражада инъом, мукофотлар улашгани, хатто душманининг онаси Иброҳим Лўдийнинг волидасига ўз саройидан жой бергани маълум. Бошқа Темурийзодалар унга хиёнат қилишса ҳам уларга зиён етказмайди, уларнинг гуноҳидан кечади, мулк тақсимлашдаги ишлари учун Бобурни маҳаллийчиликда ҳам айблашган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: “Тангри таоло давлат берди, меҳмон ва ғариб бекларни ва йигитларни бойрилардин ва андижонийлардин ортуқроқ ва яхшироқ кўрдум. Бовужуд бу ажиб балоедурким, ҳамиша эл мени ғийбат қилурларким, бойридин ва андижонийдин ўзгани риоят қилмас. Масал берким, “Душман недемас, тушга не кирмас”. Қуйидаги байт айнан Бобурнинг ушбу кайфиятини ифодалаган :

Халқ юз жавр ила иш буюрур, кош элнинг,

Не юзин кўргамену не сўзин эшитгаймен!

Бобур бошқа темурий шахзодалардан нимаси билан фарқланар эди? Аввало унинг инсон шахсига нисбатан юксак муносабат ва ва садоқати, темурийзодалар қанчалик гуноҳ қилишмасин, уларни авф этиши, аёл зотига юксак муносабат ва садоқати, ихлос назари билан қараши ва албатта, Амир Темур салтанатини қайта тиклаш ва бу йўлда ҳеч бир тўсиқни тан олмаслиги туфайлидир. Албатта, ўша давр давлатчилигида бундай хислатларга эга шахсларга нисбатан “ақлдан озган”, “девонаваш”, “шаккок” сўзлари муносиб кўрилгани эҳтимолдан холи эмас².

Бобур давлат бошқарувида адолат ва ахлоқ анъаналарига таянганлигига тарих гувоҳ. Унинг лашкари, бек ва аъёнлари

¹ Ўша жойда. – Б. 9.

² Қаранг: Қудратиллаев Ҳ. “Келди ул вақтки...” // Ҳуқуқ ва бурч, 2009, -№2. - 20-21б.

таркибини турли жой, ўлка, миллат ва элатлар вакиллари ташкил этган. Манбалардан Бобурнинг уларнинг барчасига имкон қадар бир хил муомалада бўлгани, миллати, тили, эътиқодидан қатъий назар, бир даражада инъом, мукофотлар улашгани, хатто душманининг онаси Иброҳим Лўдийнинг волидасига ўз саройидан жой бергани маълум. Бошқа Темурийзодалар унга хиёнат қилишса ҳам уларга зиён етказмайди, уларнинг гуноҳидан кечади, мулк тақсимлашдаги ишлари учун Бобурни маҳаллийчиликда ҳам айблашган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай дейди: “Тангри таоло давлат берди, меҳмон ва ғариб бекларни ва йигитларни бойрилардин ва андижонийлардин ортуқроқ ва яхшироқ кўрдум. Бовужуд бу ажиб балоедурким, ҳамиша эл мени ғийбат қилурларким, бойридин ва андижонийдин ўзгани риоят қилмас. Масал берким, “Душман недемас, тушга не кирмас”. Куйидаги байт айнан Бобурнинг ушбу кайфиятини ифодалаган :

Халқ юз жавр ила иш буюрур, кош элнинг,

Не юзин кўргамену не сўзин эшитгаймен!

Бобур бошқа темурий шаҳзодалардан нимаси билан фарқланар эди? Аввало унинг инсон шахсига нисбатан юксак муносабат ва ва садоқати, темурийзодалар қанчалик гуноҳ қилишмасин, уларни авф этиши, аёл зотига юксак муносабат ва садоқати, ихлос назари билан қараши ва албатта, Амир Темур салтанатини қайта тиклаш ва бу йўлда ҳеч бир тўсиқни тан олмаслиги туфайлидир. Албатта, ўша давр давлатчилигида бундай хислатларга эга шахсларга нисбатан “ақлдан озган”, “девонаваш”, “шаккок” сўзлари муносиб кўрилгани эҳтимолдан холи эмас¹.

Шуни таъкидлаш лозимки, адолат умумий тушунча сифатида кишиларнинг хатти-ҳаракати, юриш-туриши, қилган ишларига ахлоқий жиҳатдан баҳо беради. Иккинчидан, адолат – вақт, замон ўтиши билан ўзгариб туради. Темурийлар даврида яшаб ўтган Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва Ҳусайн Воиз Кошифийлар ҳам адолатнинг бу икки жиҳатига эътибор берганликларига гувоҳ бўламиз, уларнинг назарида адолат ва ахлоқ қотиб қолган тушунча бўлмасдан, ижтимоий ҳаётда ўзлаштириладиган фазилатлардир. Уларнинг бундай фикрлари

¹ Қаранг: Қудратиллаев Ҳ. “Келди ул вақтки...” // Ҳуқуқ ва бурч, 2009, -№2. - 20-21б.

кейинчалик Давоний томонидан ривожлантирилди. Навоий ва Девоний фалсафий меросини ўрганган Х.Алиқулов, уларнинг ҳар иккиси ҳам жамият адолатга асослангандагина бахтли бўлиши мумкин, деб ҳисоблаганликларини қайд этган. Сўнг Жалолиддин Давоний ҳақида давом этган файласуф шундай деб ёзади: “Адолат Давонийнинг талқинида 12 турга бўлинади... Давоний тушунчасида адолат кишилараро муносабатни акс эттиради. Олим унга қотиб қолган мавҳум тушунча эмас, балки одамларнинг ижтимоий ҳаёти билан чамбарчас тушунча сифатида қарайди... У худди Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий сингари, ахлоқшуносликнинг бошқа масаласини ҳал қилишда ҳам адолатни асосий мезон қилиб олади”¹.

Адолат ҳақидаги қарашлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур фаолияти орқали ҳам ривожланган. Темурийлар авлоди бўлган Бобур ўз ватанидан йироқда, Ҳинд диёрида бўлгач, ҳинд ва мусулмон тўқнашувига рўбарў келади. Замона адолатсизликларидан азият чеккан шоир ўз шеърӣ асарлари ва “Бобурнома” орқали адолат ҳақидаги қарашларини ёзиб қолдирган. Унинг наздида адолатсизлик ватансизлик билан қоришиб кетса, инсон руҳи кўп азоб тортишига мубтало бўлади.

АХЛОҚИЙ АДОЛАТНИНГ КЕЙИНГИ ДАВРДАГИ ТАҲЛИЛИ

М. Аҳмедова Нодирабегим ижодидаги адолат ва ахлоқ масаласига тўхталар экан, шундай деб ёзади: “Нодирабегим фикрича, давлатни бошқариш ва ҳокимиятни амалга оширишнинг асосий қоидаси адолатли бўлишдир. Адолат тантана қилган мамлакатдагина тинчлик, осойишталик, фаровонлик, дўстлик барқарор бўлади. Акс ҳолда, мамлакат равнақи, фуқаронинг бахт-саодатга эришишини таъминлаб бўлмайди. Нодира ғазалларида айрим диний урф-одатлар, баъзи бир руҳонийлар қораланади: уларнинг халқ манфаатларига зид фаолияти фош қилинади. Унинг фикрича, ёвузлик, жаҳолат, ҳақсизлик абадий эмас, албатта, бу иллатларга барҳам берилади,

¹ Алиқулов Х. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривожи. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009. – Б. 131.

жамиятда адолат, эзгулик, ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик, дўстлик тантана қилади. Шоира бир ғазалида: “Умидимиз берки, иқболимиз қуёши чиқажак, зиндон қоронғуликлари ҳам охир ниҳояга етажак”, дея келажакка умид билан қарайди”¹.

Филология фанлари номзоди Нурбой Абдул Ҳаким Фурқатнинг шу пайтгача деярли ўрганилмай келган асарларидан бири – “Қувайди Чин ва умуроти сиёсий” (Хитой қоидалари ва сиёсий ишлар)да жамият аъзоларини бешта тоифага бўлганлиги хусусида фикр билдиради.

Фурқат тўртинчи тоифа, яъни оға-инилар ҳақида гапириб, уларнинг бурчи “...бир-бирлари бирла иттифоқ бўлиб, иззат ва ҳурмат бирла бўлмоқлик ва ҳар икки ўғил бир-бирига шафқат қилмоғликдур”, – дейди. Шоир бу борада Хитойда жорий этилган қоидаларни баён қилади. “Хоқони Чин(нинг) сўзидурким, – деб ёзади Фурқат, – бир ота-онадан туғилган одамлар ҳаммаси иттифоқ бўлсунлар ва аларнинг ичида олтин-кумуш борлари пули йўқларига ёрдам берсинлар. Ва пули йўқ одамлар пулдорларга хабардорчилик қилсинлар. Ва чўнглари кичикларини бошлаб хабар олсунлар. Ва кичиклар чўнглариини иззат қилиб, хизматида бўлсун, касал тортиб қолса, мадад берсун”.

Маълумки, қон-қариндошлик одобига риоя этиш, ўзаро ҳурмат-эҳтиромни сақлаш жамиятда ахлоқий адолатни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

“Бешинчи қисм ёру-дўстлар ишидурким, – деб ёзади Фурқат, – бир киши яна бир кишини дўст тутарда рост сўзларини ароға солиб, аҳду паймон боғламоғлик. Аввал керакким, бандаси ва нодон кишини дўст тутмағай, боизки, волоғуҳар ва содиқ ул-қавл, вафодор кишини дўст тутқай. Агар дўсти номурод ва фақир бўлиб қолса, аввалғидек муомала қилиб, балки зиёдароқ лутфу шафқат ва меҳру садоқат кўргузмоғликдур. ”

Бундан ташқари, Фурқат дўстлик муносабатларида яна қуйидагиларга амал қилмоқлик зарурлигини таъкидлайди: агар дўсти ёмон иш қилса, насиҳат қилиб қайтармоқлик, қийналиб қолса, пул ва мол билан ёрдам кўрсатиш, бир иш буюрса, қўлидан келганича бажо келтириш, қўлидан келмаса мулойимлик

¹ Аҳмедова М. Нодирабегим жасорати // Ҳуқуқ ва бурч, 2010, -№3, - Б-22-23.

билан узр баён қилиш, вафот этса, авлодларидан хабар олиб туриш.

Авлоний Ахлоқий адолат ва унинг инсон моҳиятига боғлиқлиги хусусида Абдулла Авлонийнинг фикрлари ҳам эътиборга лойиқдир. Мутафаккир адолат ва адолатли кишиларга таъриф бериб шундай деган эди: “Адолат, - деб бошқаларнинг мол ва номусини риоя қилмакни айтилуру.

Адолат ва марҳаматли кишилар ўзига лойиқ кўрмаган бир ишни ўзгаларга раво кўрмас. Киши адолат ва инсоният вазифасини ёлғиз ўзи бузуқ ишлардан сақланмак ила адо қилолмас. Балки ўзи ила баробар жинсдошларини хато ва фанолиқларини тузатмак ва яхши йўлга саъй қилмак ила адо қила билуру. Адолатни риоя қилган кишилар ҳеч бир кишига жабру зулмни хоҳламас ва жонли нарсаларга бекорга азоб бермас”¹.

Авлоний Адолатнинг давлатдаги аҳамияти хусусида Абдулла Авлонийда ҳам фикрлар бор: “Ҳар бир миллатнинг тараққий ва толийси давлат ва ҳукуматларнинг узун яшамоғи адолатга боғлидир. Адолатдан айрилган подшоҳларнинг давлатлар йўқ бўлиб, тарих саҳифаларида фақат исмлари қолганлиги ҳаммага билгулидир”².

Маънавий баркамоллик даражаси алоҳида шахслар фаолиятига қараб эмас, шахснинг жамият муносабатларидаги иштироки умуминсоний ахлоқ мезонларига нечоғлиқ мувофиқ эканлиги асосида белгиланади³.

Маълумки адолат ҳақидаги тасаввурлар минг йиллар давомида аста-секинлик билан халқ онгидан жой олган. Адолат тўғрисидаги дастлабки бундай тасаввурлар аввал эртақ ва афсоналарда, кейинчалик орзу-хаёлларда шаклланган. Фалсафий тафаккурнинг ривожини натижасида адолат тушунчаси таълимотларда, бадиий адабиётда ўз аксини топа борган. Форобий, Беруний, Ш.Фурье, С.Симон, Чернишевский таълимотларида адолатли жамият ҳақидаги қарашлар баён қилинган. Адолат ҳақидаги қарашлар, мутафаккирлар томонидан яратилган фалсафий мерос ижтимоий ахлоқий ғояларнинг ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Профессор Х.Алиқулов

¹ Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. -Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 38-39.

² Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. -Тошкент: Ўқитувчи, 1992.- Б-38-39.

³ Нурбой Абдул Ҳаким. Маънавият надур? // Жамият ва бошқарув, 2001, -№3. – Б. 30.

ёзганидек, аждодлар мероси тараққиётнинг кейинги босқичида яшаган мутафаккирлар ижодида ўзининг муносиб баҳосини топди. Бу даврда “инсон шахсига эътибор кучайди, унинг энг яхши хислатлари қадр топди, ширинсуханлик, хушмуомалалик, маданий ва фалсафий меросга қизиқиш, инсон ақл-заковати, донолиги, ички руҳий олами, гўзаллиги ва нафосатни тасвирлаш, шижоаткорлик, маънавий руҳий покланиш, баркамол авлодни тарбиялаш, инсоф ва диёнат, бағрикенглик, адолат ва ҳақиқат учун кураш”¹ давр муҳим белгисига айланди. Аждодларимизнинг ғоялари жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашда ахлоқий эътиқод ва тамойил сифатида хизмат қилади.

Юқоридаги фикр ва хулосалар шундан далолат берадики, маънавий-ғоявий жиҳатдан фикр юритиш инсон ва даврнинг адолатга бўлган интилишларига жавоб тоифасида вужудга келган ва ривожланиб борган.

ҒАРБ ФАЛСАФАСИДА АХЛОҚИЙ АДОЛАТ ТАҲЛИЛИ

Ҳозирги замон фалсафий таълимотларида адолатнинг ахлоқий мазмуни ва ўзига хос хусусиятларига ижтимоий-маънавий ҳодиса сифатида ёндашилади. Мисол учун экзистенциализм вакиллари, гарчи инсон ахлоқийлигини умум эътироф этилган меъёр ва қадриятларга қарама-қарши қўйсада, ахлоқийликни шахс “Мен”ини англашга интилиш, унинг туғма хусусияти, деб эътироф этади. Бу ерда Фридрих Ницшенинг фикрларини келтириш ўринли. Унинг фикрича, ахлоқ жамиятни емирувчи кучлардан сақлаш ва ҳимоя қилишнинг фойдали воситасидир. Ахлоқ бўлмаса ҳаётда яшашга арзирли бошқа бирор нарса ҳам арзирли бўлмайди. Ҳақиқатда инсонлар барча яхшиликни ҳам, барча ёмонликни ҳам ўзларига ўзлари берадилар². Экзистенциализм намоёндалари инсон ахлоқийлигини унинг эътироф этганлари ҳолда, жамиятдаги ахлоқий меъёрлар ва асосларни тан олгиси келмайди.

¹ Аликулов Х. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти.. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006. – Б. 37.

² Скирбекк Г, Гилье Н. Фалсафа тарихи. -Тошкент: Шарқ, 2002. – 241-243-б.

Замонавий фалсафада Ғарб цивилизацияси, шахс индивидуаллиги масаласи катта ўрин эгаллайди. Жамиятдаги ахлоқий муносабатларда шахс “Мен”и, унинг эркинлиги масаласи нисбатан кенг ўрганилади. Бошқача қилиб айтганда, жамият ахлоқий муносабатларидаги адолат масаласига алоҳида олинган шахс нуқтаи назаридан ёндашилади. Бу ерда Шарк халқларига хос жамоавийлик (коллективизм), андишалилик, ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмаслик каби ижобий фазилатларнинг жамиятдаги ўрни хусусида ҳеч нарса дейилмайди. Хусусан, Кьеркегор шахсиятнинг ахлоқий қонуниятларидан устун туриши хусусида шундай дейди: “Мен ўзим – умуминсонийликнинг ўрта қисми эмасман, балки аниқ, қайтарилмас ягоналикман, ҳеч қандай қонун мени тўлиқ қамраб олмайди. Шунинг учун ҳам ахлоқий қоидалар турли вазиятлардаги менинг ҳолатимни қамраб олмайди ва олдиндан мен ўзимни ҳар хил вазиятда тўғри ҳаракат қилишим учун аниқ, мутлоқ ҳақиқий йўлланма кўрсата олмайди. Фақат мен якка ўзим, ўз шахсий ишончимга асосланиб, бир қарорга келишим мумкин”¹. Ф.Ницше бошқачароқ фикрни айтади. Унинг фикрича, ҳар бир инсон қалбида илоҳият зарраси бор. Биз ахлоқни тушунча сифатида эмас, ҳис-туйғу асосида қабул қилишимиз керак. Ахлоқ мияда эмас, балки қалбда бўлиши керак².

Фейербах жамиятда ижтимоий адолат принципларини, кишилар ўртасидаги тенглик, дўсту биродарликни қарор топтиришнинг ягона йўли, янги дин – муҳаббат динини шакллантиришдир, деб билади. Унинг фикрига мувофиқ бундай дин гуманистик ахлоқ ролини бажармоғи, фуқароларни бир-бирларига нисбатан меҳр-оқибатли қилиб тарбияламоғи лозим. Бу динга кўра, “Инсон инсонга Худога айланмоғи керак. Кишилар табиатида мавжуд бўлган худбинлик, ҳасад каби ғайригуманистик иллатларни бартараф этмоғи зарур”.

Ижтимоий муносабатлардаги адолатнинг ахлоқий қирралари масаласида Альберт Камю фикрлари диққатга сазовордир. Унинг фалсафий қарашлари зиддиятли бўлсада, “Бегона” ва “Вабо” асарларида адолатнинг ахлоқий моҳиятини очиб беришга интилган. Бу икки асардаги Мерсо ва Рамбер икки хил образ

¹ Ғарб фалсафаси. Тузувчи Назаров Қ. -Тошкент: Шарк, 2004. – Б. 542-543.

² Ўша жойда. – 560 б.

бўлиб, биринчиси одамлар орасидаги меҳр-оқибатнинг кўтарилишини ўзида ифодалайди. Ёзувчи ўзининг “Вабо” асарида Рамбер образи инсоннинг яшашдан мақсади бошқа одамларга ҳам ёрдам беришдир, деган ғояни илгари суради. А. Камю ижодининг охирги босқичида руҳий ҳолатлар фалсафаси чўққисига кўтарилди. Бу чўққилардан у ахлоқ инсон қалбида ёниб турган руҳий куч қуёши эканлигини кузатди¹.

Инсоннинг ахлоқий муносабатлари адолат меъёрларининг тадқиқ қилишда XIX - XX аср файласуфларининг қарашлари сезиларли таъсирга эга. Жумладан, З.Фрейд инсоннинг ҳирсий, жинсий томони, ҳислатларига кўпроқ эътибор бериб, уларни инсон табиатидаги асосий куч деб ҳисоблаган. Э.Фромм инсон руҳий оламида жинсий алоқалар билан бир қаторда, эзгу ҳис-туйғуларнинг аҳамияти катталигини эътироф этган. А. Гелен ахлоқий муносабатлардаги инстинктив хусусиятларга катта эътибор беради².

Ғарбнинг кўпгина файласуфлари фан ва техника тараққиёти одамларнинг бир-биридан узоқлашуви ва бегоналашувига, ахлоқий қадриятларнинг ўрни пасайиб боришига сабабчи бўлиши мумкинлигини эътироф этишади. Экзистенциализм намоёнчаси М.Хайдеггер фикрича, инсоннинг ички оламида инсон тафаккури томонидан яратилган техника катта аҳамиятга эгадир. Техник ривожланишга ўтиш бутун цивилизация ва маданиятни янги босқичга кўтаришни англатади. Лекин бу босқич инсон табиатидан узоқлашиш ва бегоналашувига олиб келади³. Синергетика асосчиларидан бири Г.Хакен фикрича, фан ўз тараққиёти давомида секин-аста жамият, табиат ва инсон ҳаётига таҳдид солувчи кучга айлана борди⁴.

Адолатлилик масаласи бўйича қарашлар америкалик файласуф Жон Рольз томонидан таҳлил қилинган. Унинг фикрича, онгли инсон “бошланғич ҳолат”да моддий камситилган индивидлар моддий томондан яхши шароитларда яшовчи индивидларнинг устунлиги эвазига қурбон қилинмайдиган жамиятни афзал кўради⁵.

¹ Ўша жойда. – 638-642 б.

² Ғарб фалсафаси. Тузувчи Назаров Қ. -Тошкент: Шарқ, 2004. –657-671 б.

³ Ўша жойда. – 631 б.

⁴ Ўша жойда. – 708 б.

⁵ Скирбекк Гуннар, Гилъе Н. Фалсафа тарихи. -Тошкент: Шарқ, 2002. – 682-684 б.

Россиялик олим В.Нерсисянц эса ўзининг “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида “Ҳуқуқни ифодаладиган, ҳуқуққа мувофиқ келадиган ва ҳуқуққа амал қиладиган нарсагина адолатлидир”¹, – деган ғояни илгари суради. У бу ғоя билан адолатда ҳуқуқ бирламчи эканлиги, адолатни ижтимоий, ахлоқий, диний, сиёсий жиҳатдан таснифлаш фақат ҳуқуқ асосида амалга оширилса тўғри бўлишини таъкидлайди. Бу каби мулоҳазалар ахлоқий муносабатларда адолатнинг мавжудлигини инкор қилолмайди, балки ижтимоий муносабатлардаги адолатнинг ахлоқий қирраларини янада чуқурроқ ўрганишга ундайди.

Адолат кишилар жамоа бўлиб яшай бошлагач, ижтимоий муносабатларни баҳолаш мезони сифатида шаклланган. Инсонларнинг табиий эҳтиёжлари ва уларни қондиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар жамоа манфаатлари билан тўқнашганда унинг аҳамияти янада яққолроқ кўзга ташланган. Адолат тушунчасининг вужудга келишида табиий шарт-шароит муҳим рол ўйнаганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Жумладан, ибтидоий жамоа тузуми даврида овқат топиш муаммолиги туфайли одамхўрлик (каннибализм) қораланмаган, яқин қариндошларнинг жинсий яқинликлари матриархат давригача таъқиқланмаган. Ҳар қандай шароитда адолатнинг ахлоқий мазмунини белгиловчи омил жамиятнинг ижтимоий маънавий шароити ва тарбия ҳисобланади.

Аксарият файласуф ва психологлар адолатнинг ахлоқий мазмунини ташкил этувчи хислатлар – инсонларнинг бир-бири билан бўлган муносабатда тенглик қоидаларига риоя қилиш, хулқ-атвор қоидаларини бузмаслиги, таҳқирламаслиги, иззат-нафсига тегмаслик, табиий камчилигини юзига солмаслик, зулм ўтказмаслик ва бошқа хусусиятларини маълум даражада туғма, деб ҳисоблайдилар.

Албатта, туғма инстинктларга асосланган қобилият муайян бошланғич шароит сифатида ахлоқий фазилатлар шаклланишига таъсир кўрсатади. Барибир турли даврларда мавжуд ижтимоий муҳит шахс ахлоқий фазилатларини белгиловчи омил сифатида намоён бўлади.

¹ Нерсисянц В. Ҳуқуқ фалсафаси. -Тошкент: Адолат, 2003. – Б. 60.

Инсон ижтимоий жонзот, унинг фаолияти ижтимоий ҳаётининг ифодасидир. Шу боис унинг фаолиятининг ахлоқий томондан асосан ижтимоий жамият ахлоқий меъёрларига амал қилиши, ўзгаларга нисбатан тенглик, адолат нуқтаи назаридан муносабатда бўлиши жамиятда қарор топган ахлоқий тамойиллар ва тарбияга бевосита боғлиқ.

И.Кант жамиятнинг вужудга келишини ахлоқнинг шаклланиши билан изоҳлайди. Кейинчалик З.Фрейд бу ғояни ривожлантириб, кишилик жамиятининг пайдо бўлишида ахлоқий табу (таъқиқлаш) муҳим роль ўйнаганлигини асослашга ҳаракат қилган. Гегел эса инсоният жамиятининг вужудга келиши мутлоқ руҳ таракқиётининг маҳсули деб ҳисоблайди¹.

Инсон бошқа мавжудотлардан ўз ижтимоий хусусиятлари билан ажралиб туради. Тил, онг, муомала, рамзий белгилар, ишлаб чиқариш, тақсимот, бошқарув, ирода, туйғу, адабий ижод, ахлоқ, сўз, қадрият каби хусусиятлар ижтимоий аҳамият касб этиб, улар бошқа мавжудотларда инсон даражасида такомиллашмаган. Одамлар туғилгач, жамиятда шахс сифатида шаклланади ва ривожланади. Зотан, инсониятга хос ижтимоий сифатлар ва фазилатлар авлоддан-авлодга ирсий йўл билан ўтмайди. Табиийки, одам жамиятдан ташқарида яшаса, у бундай фазилатларни билмайди, балки табиат қонунлари бўйича яшайди. Бу ўринда турли мавжудотларга хос табиий инстрактлар сақланиб қолишини инкор қилиб бўлмайди. Масалан, бўри қўйлар подаси ичида туғилиб ўсса ҳам унда барибир йиртқичларга хос белгилар кўзга ташланаверади. Лекин бу жиҳатларни маънавий-ахлоқий фазилатлар билан таққослаб бўлмайди.

БАРКАМОЛ АВЛОД ВА АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ БИРЛИГИ

Баркамол авлодни тарбиялаш масаласида Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эдилар: “Бугунги кунда олдимизга қўйган буюк мақсадларимизга, эзгу ниятларимизга эришишимиз,

¹ Фалсафа асослари. -Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 282 б.

жамиятимизнинг янгиланиши, ҳаётимизнинг тараққиёти ва истиқболи амалга оширилаётган ислохотларимиз, режаларимизнинг тақдири – буларнинг барчаси, авваламбор, замон талабларига жавоб берадиган юқори малакали, онгли мутахассис кадрлар тайёрлаш муаммоси билан чамбарчас боғлиқлигини барчамиз англаб етмоқдамиз”.¹ Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганларидек, юқори малакали, онгли мутахассис кадрларни тайёрлаш адолатли демократик жамият қураётган давлат ва жамиятимизнинг олдида турган кечиктириб бўлмас вазифаларидан биридир.

Баркамол авлодни тарбиялашда давлат ва жамият ҳаётида адолат тамойилларини қарор топтиришнинг ўрни катта. Зеро, баркамол авлод тарбиясида адолат инсон бахт-саодати ва камолотининг ўлчови сифатида намоён бўлади. Халқимизнинг азалий фазилатларидан бири-инсофу адолатга, одиллик ва тўғрилиikka интилиб яшашдир. Баркамол авлодни тарбиялаш учун, аввало, адолатли ижтимоий муҳитни таъминлаш зарур. Адолатни жамиятнинг, инсонларнинг табиий ва ижтимоий тафовутига қарамай, олий қадрият деб тан олиш, унинг кадр-қимматини қонун билан ҳимоя қилиш инсонлар орасидаги нотенгликни бартараф этишга хизмат қилади. Адолатли шароитларни яратиш ёшлар ижодий ва илмий-техникавий фаоллигини ошириш, уларда Ватанга муҳаббат, ота-она ҳамда миллий-тарихий меросга ҳурмат ҳиссини шакллантириш имконини беради. Адолат ёшларнинг инсонпарварлик, ватанпарварлик, халқпарварлик ва меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатларини ривожланишига хизмат қилади.²

Адолатнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни хусусида тарихда ҳамда яқин ўтмишда кўплаб фикрлар билдирилган. Қадимги даврда Аристотел, Платон, Конфуций, ўрта асрларда Т.Мор, Р.Оуэн, Т.Кампанелла, А.Шопенгауер, янги даврда Ш.Монтескье, Ж.Локк, Шарқда Форобий, ибн Сино, Низомий, Навоий, кейинги даврларда Р.Хернштейн, Ч.Мюррей, Ж.Ролз ва бошқаларнинг фикрлари бунга мисол бўла олади. Сафо Очил, Саифназарова Ф, Ҳусанов Б, Ғуломов В, Юсупов Э, Ибрагимов Б,

¹ Баркамол авлод орзуси. Тошкент. Ўзбекистон. 1999. 9-бет

² Йўлдошев С. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Тошкент. Фан. 2009. 76-бет

Имомназаров М, Исломов З, Қудратхўжаев Ш, Абдулла Шер, Холматова М, Сафаева С каби олимларимиз ҳам адолат ва адолатли жамиятнинг ўрни, унинг ёшлар тарбиясидаги аҳамияти хусусида у ёки бу даражада илмий изланишлар олиб боришган.

Ички ва ташқи сиёсатнинг йўналишлари, уларнинг мантиқи тўлалигича пировард мақсад – чинакам мустақил Ўзбекистонни барпо этиш мақсади билан белгиланади. Республикада собитқадамлик билан халқчил адолатли жамиятни бунёд этиш – бош вазифадир. меҳнатсевар ва бадавлат, маънавий етук ва маданиятли оила – шу жамиятнинг асосини ташкил этади.¹ Адолатли фуқаролик жамиятининг шаклланиши баркамол авлодни тарбиялаш билан бирга қўшиб олиб борилиши зарур. Бу муаммо давлат ва жамият олдига бажарилиши зарур бўлган муҳим муаммоларни қўяди.

Конституциямизда шахс манфаатининг давлат манфаатидан устун этиб белгилангани, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари энг олий қадрият сифатида муҳрлаб қўйилган. Мана шу талабни нафақат меъёрий ҳужжатларимиз, балки уни ҳаётимизга татбиқ этишимиз муҳим аҳамиятга эгадир. Бунинг учун барча фуқароларимиз ўз ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англаб олиши ва сиёсий савиясини ошириши зарур. Мазкур конституциявий тамойилга биринчи навбатда давлат бошқарувида ҳокимият функциясини амалга оширувчи мансабдор шахслар кундалик фаолиятида риоя этишлари муҳимдир. Мансабдор шахслар давлат бошқарувини амалга ошириш жараёнида халқ манфаати йўлида хизмат қилиши, халқнинг орзу-истаклари билан, унинг эҳтиёжлари билан, ютуқ ва камчиликлари билан ҳамнафас бўлиши ўтказилаётган ислохотларимизнинг рўёбга чиқишини тезлаштиради. Фуқароларимизнинг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий савиясини ошириш орқали ўсиб келаётган ёш авлодни ўз истёбодини намоён қилишига, интилишларини рўёбга чиқаришига эришишимиз мумкин.

Давлат олдига турган вазифалар қаторига қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш, ҳокимият бўлиниш тамойилларини мукаммаллаштириш, ижро этувчи ҳокимият

¹ Каримов. И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Тошкент. Ўзбекистон. 1999. - 15-бет

органлари ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимида ҳокимлик функциялари амалга оширилишини назорат қилиш каби масалалар киради.

Қонунчилик фаолиятини такомиллаштириш Олий Мажлис Сенати сенаторлари ва Қонунчилик палатасидан депутатларининг касбий маҳоратини ошириш, ҳуқуқий билимларини кенгайтириш, халқ билан, унинг эҳтиёжлари билан ҳамнафас бўлишни, ёшларнинг илмий-техникавий ижод эркинлигини, иқтидорини намоён қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш каби масалаларни ҳал этишни талаб қилади. Ҳокимият органлари ваколатларини бўлиниш тамойилларини мукаммаллаштириш ҳам олий ҳокимият органлари томонидан мавжуд қонунчилик тизимида кенг ислохотларни амалга оширишни талаб қилади. Бунда қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини қонуний тартибда ўрнатиш, улар ўртасидаги ўзаро алоқадорликни белгилаб олиш, ваколат доираларини чегаралаб олиш сингари вазифаларни бажариш зарур. Ижро этувчи ҳокимият органлари ваколатларини кенгайтириш, маҳаллий ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини такомиллаштириш қонун ижрочилигини таъминлашга хизмат қилади. Мазкур вазифаларнинг бажарилиши давлат органлари тизимида адолат принципларининг қарор топишига олиб келади. Булар эса баркамол авлодни тарбиялаш учун давлат органлари тизимида қулай муҳитни яратади.

Баркамол авлодни тарбиялашда жамият олдида турган вазифалар ҳам анчайин жиддийдир. Маълумки, баркамол авлодни тарбиялаш учун бир қатор объектив ва субъектив омиллар зарур. Ижтимоий ҳаётда моддий фаровонликни таъминлаш орқали баркамол авлодни тарбиялаш мумкин, деган фикр кўпинча салбий оқибатларни келтириб чиқариши ҳеч кимга сир эмас. Моддий фаровонлик аслида халқнинг меҳнатсеварлиги, табиий заҳиралардан оқилона фойдаланиш, миллатнинг маънавий камолоти орқали келиб чиқади. Баркамол авлодни тарбиялашда даставвал оиладаги муҳитни яхшилашга эътибор бериш зарур. Бола вояга етиб борар экан, унинг фикрлаши, дунёқараши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиш учун курашишида оиладаги тарбиянинг ўрни беқиёсдир. Бунинг учун оилада ота-онанинг мавқеи, фарзанд тарбияси масалаларига аҳамият бериш керак.

Оила ва мактаб, оила ва маҳалла, оила ва жамият масалаларига, улар ўртасидаги ўзаро боғлиқликка аҳамият бериш яхши самара бериши шубҳасиздир. Болаларда меҳнатсеварлик руҳини шакллантириш, уни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш жамият аъзоларидан катта масъулиятни талаб қилади. Болалар маънавий камолотга етишишини таъминлаш эса нафақат оила, балки мактаб, маҳалла, давлат каби ижтимоий ҳаётнинг бошқа қисмлари ҳам катта вазифаларни бажариши зарур. Биз йигит ва қизларимизнинг маълумотли киши учун зарур бўлган барча билимларни эгаллаб олишларига, янги шароитларга тез ва машаққатларсиз мослашишларига имкон беришимиз керак. Янгиланган ўз давлатларини куриш, ислоҳ қилиш жараёнининг фаол қатнашчилари бўлишларига имкон берадиган, маданий, ахлоқий ва маънавий қадриятларни эгаллаб олишлари учун ёрдам берадиган шароит яратишимиз даркор.¹ Бу каби вазифаларни бажариш учун давлат ва жамиятнинг барча қатламлари бирдай масъулдир.

АХЛОҚИЙ АДОЛАТ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ

Мамлакатимиз ўз давлатчилиги ривожининг янги сифат босқичига қадам қўйди. Воқеаларга бой даврда миллий тараққиётимизнинг пировард мақсади инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришдан иборатдир.

Фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши тараққиётимиздаги адолатлилик, инсонпарварлик ва цивилизациявий ёндашувни акс эттиради. Шунингдек, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти ижтимоий қурилишнинг реал шакли сифатида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини демократлаштиришнинг ҳал қилувчи босқичига кирди.

Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти муайян тарзда бир-бирини тақазо этадики, бунини ҳозирги кунда тадқиқотчиларимизнинг ҳеч бири инкор эта олмайди.

Фуқаролик жамияти ҳақида хилма-хил қарашлар мавжуд бўлса ҳам уларда муайян умумийликлар бор. Мазкур жамият

¹ И.Каримов. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. Тошкент. Ўзбекистон. 1995. 260-бет

ҳақидаги қарашларнинг марказида инсон омили туради. Бу ҳақда Президентимиз И.Каримов шундай деган: “Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришга монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари тўла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари камситилишига йўл қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсунishi бир вақтнинг ўзида амал қилади”¹.

“Фуқаролик жамиятини идеал ҳолда тасаввур қилувчиларнинг таъкидлашича, бу очик, одил жамият бўлиб, унда эркин ва тенг ҳуқуқли шахслар истиқомат қилишади, улар ўз фуқаролик ҳамда сиёсий ҳуқуқларига эга бўлишади, давлатни бошқаришда фаол иштирок этишади, фикрларини ошкора айтиш, эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш, ўз мақсадларига мос келадиган уюшма ва ташкилотлар тузиш имкониятларига эга бўлишади”² – деган эди М. Шарифхўжаев. Олим фуқаролик жамиятининг шаклланишини тадқиқ этиш давомида “Фуқаролик жамияти” атамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида махсус ишлатилмасида, адолатли очик жамият талаблари ва қадриятларига хос норма ва қоидалар “Халқ ҳокимиятчилиги”, “Конституция ва қонуннинг устунлиги” бобларида, “Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари”, “Жамият ва шахс”, “Давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши” бўлимларида у ёхуд бу мазмунда ўз аксини топганлигини баён этган³.

Фуқаролик жамияти шаклланиши ва унинг устувор йўналишларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-мафкуравий асослари таққиқотчиларимиз томонидан кенг таҳлил қилинган. Тан олишимиз керакки, фуқаролик жамияти шаклланишининг, аниқроқ айтганда, “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” адолат ва ахлоқ билан боғлиқ томонлари тўла очиб берилмаган.

Фуқаролик жамияти, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, бу бир ижтимоий макон, у инсонлардан таркиб топган. Улар

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б. 173.

² Шарифхўжаев М. Ўзбекистонда очик фуқаролик жамиятининг шаклланиши. –Тошкент: Шарқ, 2003. – Б. 5.

³ Ўша жойда. – 5-6 б.

ўртасидаги ижтимоий муносабатлар олдиндан белгилаб, ўрнатиб қўйилган эталонлар доирасида амал қилмайди. Шу боис кишилар эҳтиросларини жиловлаш воситаси – давлат ёрдамида ижтимоий муносабатларга кучли таъсирўтказиш ҳамда бу орқали фуқаролик жамиятини ривожлантириш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, кучли ҳуқуқий давлатсиз фуқаролик жамиятини қуриш мумкин эмас.

Кучли давлат, аввало, ҳуқуқ ва адолатга асосланган сиёсий тузилмадир. Эътибор берсак, мамлакатимизда “ўзбек модели”нинг ўзагини ташкли этувчи беш тамойилда ҳам кучли давлатни шакллантириш асослари мавжуд. Зотан давлатнинг кучли ҳокимиятисиз ислоҳотларни мазкур тамойиллар асосида амалга ошириб бўлмас эди. Ўз навбатида ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида давлат адолат меъёрларига амал қилмаса бошланган ишларни ниҳоясига етказиш чўзилиб кетган бўлар эди.

Кишилиқ жамияти тарихий тараққиётнинг маълум бир даврида давлатнинг шаклланишига туртки берди. Шундан бошлаб давлат жамиятни бошқарувчи тузилма сифатида яшаб келмоқда. Тарихнинг турли босқичларида табиий ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, диний, мафкуравий, ҳарбий ва бошқа омиллар туфайли давлатнинг моҳияти, функциялари ўзгариб борди. Тан олиш керакки, узоқ давом этган давлатчилик тарихида ҳокимиятни бошқарувчи кучлар ўз сиёсий фаолиятларида кўпинча адолат қоидаларига риоя этишмади. Ҳуқуқи бузилган, эзилган, мазлум халқлар асрлар мобайнида идеал жамият-фуқаролик жамиятини орзу қилиб яшади.

Фалсафий фикрлар тарихида ҳам “фуқаролик жамияти” тушунчаси турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлди. Жумладан, “Арасту давлатни одамлар йиғиндиси, бу айни пайтда фуқаролик жамияти, деб таърифланган эди. Фақат кейинчалик Гегел бу тушунчаларни ажратиб фуқаролик жамиятини давлатнинг роли торайиши натижасида вужудга келган сиёсий тузилма сифатида тавсифлади”¹.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши асосан икки мезон билан ўлчанади. Биринчиси, фуқаролик жамияти ҳақидаги

¹ Абдуқодиров А. Исаматов М. Фуқаролик жамияти: муаммо ва вазифалар // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006, - №1. – Б. 52.

қарашлар ва таълимотларнинг ривожланиши бўлса, иккинчиси, мамлакатларнинг бундай жамиятни ўз ҳудудида бунёд этиши сари интилиши билан боғлиқдир.

Фуқаролик жамияти инсоният ҳаёти тарихининг энг олий шаклидир. Бу тўғридаги тасаввурлар Конфуций, Сукрот, Платон, Аристотель, Форобий, Ибн Сино, Т. Кампанелла, Т. Мор, Р. Оуэн, Девоний, Навоий каби қадимги ва ўрта асрлар даври мутафаккирлари бадий ҳамда фалсафий қарашларидан ўрин олган.

Қадимги Хитой мутафаккири Конфуций жамиятнинг келиб чиқишига доир қарашларида ахлоқий қадриятлар асосидаги адолатли жамият қуришга оид тасаввурларни илгари сурди. Ўзининг конфуцийлик таълимоти орқали жамиятни ахлоқий қадриятлар асосидагина яратиш мумкин эканлигини исботлади. Шу йўл билан кейинги давр олимларининг жамият ҳақидаги қарашларига кучли таъсир кўрсатди¹.

Адолатли жамият қуриш ҳамда эркин фуқаролик жамияти ҳақидаги назарий қарашлар юнон мутафаккирлари Сукрот ва Платон томонидан ривожлантирилди. Сукрот фуқаролик жамияти учун муҳим бўлган ахлоқий қадриятларни кашф этди. Платон эса идеал давлат, мукамал жамият ҳақидаги таълимотни яратар экан, уни қуришда адолатнинг ахлоқий моҳиятининг аҳамиятини очиб берди. Унинг фикрича, донишманд кишилар жамиятни бошқарадилар. Мардлик намоён этганлар жамиятни ҳимоя қилишади. Мўътадиллик ва ғамхўрлик намоён қилган кишилар жамият учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқарадилар. Ҳар бир киши ўзига муносиб иш билан машғул бўлиб, барча ижтимоий функциялар энг яхши усулда амалга оширилганда жамият адолатли жамият бўлади. Адолат учта қуйидаги саховат уйғунлашади.

1. Донолик.
2. Мардлик.
3. Мўътадиллик (итоаткорлик)².

Фуқаролик жамияти ҳақида гапирганда, Абу Наср Форобийнинг бу соҳага қўшган ҳиссасини тилга олмасликнинг

¹ Қаранг. Конфуций Лунь Юй // Древнекитайская философия. В 2-х.т. Том 1. Москва, 1972-73. – 147-149 с.

² Скирбекк Г. Гилье Н. Фалсафа тарихи.. -Тошкент: Шарқ, 2002. - 75-100 б.

иложи йўқ. Дарҳақиқат, мутафаккир ўз асарлари орқали фуқаролик жамияти назарий асосларини очиб беради. Бундай жамиятда адолатнинг ўрни хусусида ўз қарашларини баён қилди. Профессор Ҳ.Алиқуловнинг ёзишича, Форобий талқинида адолатнинг асосида турли омиллардан ташқари тенглик ётади. Кишиларнинг тенглиги шунда билинадики, туғилганда улар тенг бўлиб, бирор нарсага туғма қобилияти бўлади. Иккинчи томондан, адолатнинг тенгликни билдирмаслик жиҳати шундан иборатки, ҳар бир киши хизмати ва қобилияти, жамиятдаги мавқеида қобилиятига тўғри келадиган обрў ва бойликка эга бўлади. У ерда тенглик фозил одамлар шаҳридаги вазиятга қараб одамга моддий ва маънавий бойликларни ўзига қайтиши ва ундан кетишининг бир хил ва тенг қийматга эга бўлиши маъносида қўлланилади. Форобий фозил шаҳар одамларининг асосий мақсади бахт-саодатга эришув бўлиши керак, деб ҳисоблайди¹.

Берунийнинг қарашларидан шу нарса ойдинлашадики, инсон қиёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Унинг икки қиёфасига келсак, уни инсон чексиз саъй-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгартириши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг соҳибидир. Жамият тадрижий ўзгаришлар орқали ривожланиб боради. Адолат, фуқаро учун ғамхўрлик, зулмни бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат туғи остида бошқариш мутафаккирнинг идеалидир².

Абу Али ибн Сино адолатли, фуқаролик жамиятини инсонлар маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш орқали ташкил этиш ғоясини илгари сурган³. Ибн Синонинг тушунтиришича, турли жамоаларга бирлашган одамлар фаолиятини ягона мақсад атрофида бирлаштирувчи муҳим омиллардан яна бири ахлоқдир. Инсонни камолотга етказувчи куч – чинакам муҳаббатдир⁴. Инсоннинг ҳар томонлама соғломлиги ва жамиятдаги ахлоқий қадриятларнинг барқарорлиги фуқаролик жамиятнинг кафолатидир.

¹ Алиқулов Ҳ. Адолат буюк донишмандлар талқинида. -Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, .2010. - 37-38 б.

² Фалсафа асослари. -Тошкент: Ўзбекистон НМИУ, 2005. - 75 б.

³ Қаранг. Ибн Сина. Избранные философские произведения. Москва: Наука. 1980. – 60-77 с.

⁴ Чориев А. Инсон фалсафаси. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2007. - 155-156 б.

Фуқаролик жамияти сиёсий-ҳуқуқий асосларини немис мумтоз фалсафаси асосчиларидан бири И. Кант ўзига хос таърифлаган эди. У фуқаролик жамиятини ҳуқуқ эркинлигининг умумий қонуни нуқтаи назаридан бир кишининг ўзбошимчалиги бошқа кишининг ўзбошимчалигига мувофиқ келадиган шарт-шароитлар мажмуи сифатида тасаввур қилган эди.

Ҳозирги давр тадқиқотларида фуқаролик жамиятининг шаклланиши хусусида ғоят қизиқарли ва ранг-баранг фикрлар, ғоялар ўртага ташланмоқда. Тадқиқотчилар фуқаролик жамияти шаклланишининг сиёсий, иқтисодий, маънавий-мафкуравий, ҳуқуқий асосларини очиб беришга ҳаракат қилишмоқда.

Ҳуқуқшунос олимларимиз фуқаролик жамиятида жамоат институтлари алоҳида аҳамият касб этишини таъкидланади, баъзи олимлар фуқаролик жамиятини жамоат институтларининг мажмуи тариқасида тушунади. Хусусан, А.Саидов ва У.Тожиҳоновлар фикрича: "...фуқаролик жамияти – тенг ҳуқуқли инсонларнинг, якка шахслар ёки жамоалар манфаатларини амалга оширишга кўмаклашадиган жамоат институтларининг тизимидир"¹. Ҳуқуқшунос Ф. Отаҳоновнинг фикрича, "фуқаролик жамияти – ҳуқуқий давлат ривожланишининг сўнгги такомиллашган босқичи. Фуқаролик жамияти – бу инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат мавжуд бўлган, шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини юксак даражада таъминловчи жамиятдир"².

М. Исаматов ва А. Абдуқодировлар эса қуйидаги фикрни айтишган: "Одатда фуқаролик жамияти, деб сиёсий давлатга тўғридан тўғри бўйсунмаган алоҳида шахслар, синфлар, гуруҳ ва институтлардан иборат бўлган умумийликнинг олий шакли тушунилади"³.

Фуқаролик жамияти хусусида А. Эркаев бошқачароқ фикр билдирган. Унингча, "фуқаролик жамияти бу бошқарув кўп соҳаларда номарказлишрилган ва носиёсийлашган, аъзолари

¹ Саидов А. Тожиҳонов У. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. 1-том. -Тошкент: 2001. – Б. 238.

² Отаҳонов Ф. Ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда юридик хизматнинг роли // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006, -№1. – Б. 11-13.

³ Абдуқодиров А. Исаматов М. Фуқаролик жамияти: муаммо ва вазифалар // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006, - №1. – Б. 51.

юксак сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий савияга эга бўлган ҳар соҳада фаол бунёдкор кишилар бўлган жамиятдир”.¹

С. Зокиров фуқаролик жамиятининг сиёсий асосларига эътиборни қаратган. Унингча, “Фуқаролик жамияти сиёсий бўлмаган ҳамжамият бўлишига қарамай, унинг доирасида фуқаролик жамияти билан давлат ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминловчи сиёсий бирлашмалар фаолият кўрсатади. Сиёсий иштирок этиш соҳаси фуқаролик жамияти носий соҳасини давлатнинг сиёсий соҳаси билан боғловчи муносабатлар тизимидан иборат. Бироқ сиёсий бирлашмалар номигагина сиёсий деб аталади. Шу боис сиёсий (давлат) ҳокимиятида улар фақат давлат маҳкамаси орқали қатнашиши мумкин”.²

Давлат ва ҳуқуқ назариясида фуқаролик жамияти учун характерли бўлган белгилар сифатида қуйидагилар санаб ўтилади: биринчидан, фуқаролик жамияти учун плюрализм хосдир. Фуқаролик жамиятида плюрализм инсонлар орасида қарор топадиган маданий муносабатлар доирасида ва воситасида амалга оширилади.

Иккинчидан, фуқаролик жамияти эркин кишилар ҳамжамиятидир. Инсон эрки масаласи фуқаролик жамиятида уч хил шарҳланиши мумкин: сиёсий, иқтисодий, ижтимоий эрк.

Учинчидан, фуқаролик жамияти очик ижтимоий жамиятдир. Унда сўз эркинлиги, жумладан танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ахборот олиш эркинлиги, эркин равишда мамлакатга келиш-кетиш, бошқа мамлакатлар билан маданий, илмий ва ахборот алмашиш ҳуқуқи таъминланади.

Тўртинчидан, фуқаролик жамияти ўз имкониятлари ҳисобига тараққий этадиган ва ўз-ўзини бошқарадиган тизимдир. Жамият ҳаракатининг энг муҳим жиҳатларидан бири фуқаролик ташаббуси бўлиб, у онгли равишда жамият фойдасига йўналтирилиши лозим. Одамлар турли ташкилотларга бирлашиб, ўзаро турли-туман, баъзан эса ўзларининг қарама-қарши манфаатларига бўйсуниб, муносабатга киришар экан, шу йўл билан давлатнинг сиёсий ҳокимият сифатидаги аралашувисиз жамиятнинг уйғун тараққиётини таъминлайди.

¹ Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. -Тошкент: Маънавият, 2005. – Б. 173.

² Зокиров С. Ёш авлодни инсон ҳуқуқларига ҳурмат руҳида тарбиялаш – давр талаби // Фуқаролик жамияти, 2010, -№1. – Б. 19.

Бешинчидан, фуқаролик жамияти ҳуқуқий демократик жамият бўлиб, бу ерда инсон ва фуқаронинг табиий ва қонуний ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши боғловчи омил вазифасини бажаради.

АХЛОҚИЙ АДОЛАТНИНГ ҚАРОР ТОПИШИ МУАММОЛАРИ

Инсон оила таълим, меҳнат қилиш ва мулоқот жараёнида турли муносабатлар, ахлоқий меъёрлар, ғоя ва мафкура, тарғибот-ташвиқот каби омиллар таъсирида яшайди. Ҳаёти давомида олинган билим, кўникма, малака, тажриба ва хулосалар орқали мазкур омилларни ўзлаштиради ва шу жараёнда ижтимоийлашади. Унинг шахс бўлиб шаклланиши янги фазилатлар ва яратувчанлик сифати ривожланиши билан бирга юз беради.

Хатти-ҳаракатларини назорат қилиш, иродасини бошқара олиш, маъсулиятни ҳис қилиш, маълум бир мақсадлар йўлида курашиш, ирода ва эътиқодга эга бўлиш, эркин мулоқотга киришиш ва ижтимоий-сиёсий фаоллик шахсга хос белгилардир.

Халқимиз “ўзбек модели”деб ном олган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимламоқда. Амалга ошираётган ислохотларимиз туфайли мамлакатимиз жаҳоннинг илғор давлатлари қаторига чиқиб бормоқда. Тадбиқ этилаётган “...ушбу моделнинг маъно мазмуни - давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётдан мафкурани холи этиш, унинг сиёсатдаги устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир”¹.

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ҳуқуқ ва бурч, 2011, -№11. – Б. 3.

Биз курадиган жамият, – деб таъкидлаган эди Президентимиз, – Ўзбекистон халқининг муносиб турмушини, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаши, миллий қадриятларимиз ва маданиятимиз қайта тикланиши, инсоннинг маънавий-ахлоқий баркамоллигини таъминлаши керак”¹. Ана шундай жамият барпо этиш учун адолат тамойиллари ҳар бир ишимизда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлиши лозим.

Инсоният ижтимоий, ахлоқий тараққиёти давомида адолатга интилиб яшади. Мустабидлик, жабр-зулм ва ҳуқуқсизликка қарши курашди. Адолатсизлик ҳукм сурган даврларда маънавият ривожини секинлашди ёки орқага кетди. Адолат тамойиллари ўрнатилган вақтларда буюк истеъдод эгалари етишиб чиқди. Моддий ва маънавий мерослар, кашфиёт ва ихтиролар, санъат ва адабиёт дурдоналари яратилди. Адолат ва ахлоқ уйғунлиги халқларнинг яратувчанлик ҳиссиётлари юксалишига олиб келган. Кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат улуғ вазифаларни амалга оширишга пойдевор бўлиб хизмат қилган.

Адолат ҳақида ўтмишда ва ҳозирги кунда ҳам мунозаралар давом этиб келмоқда. Ўтмиш аجدодларимизнинг меросини босиб ўтилган йўлимиздан тўғри хулосалар чиқариш, бугунги кун талабларини чуқур англаб етиш, келажакка ишонч билан қараш каби кўникма ва малакага эга бўлишимиз учун керак.. Биз аجدодлар меросини ва замонавий ютуқларни умумлаштиришимиз, ҳар бир ишимизда қўллашимиз зарур. Бунинг учун адолатнинг мазмун-моҳиятини янада чуқур англаб етишимиз, фуқаролик жамияти учун аҳамиятини таҳлил этишимиз лозим.

Ахлоқий адолат давлат бошқаруви, ҳуқуқий тизим, иқтисодий ривожланиш, маънавий янгиланиш тизимларидаги тенглик ва тақдирлаш тамойилларига инсоний моҳият бағишлайди. Мазкур соҳалардаги ўзгаришларни ижтимоий муносабатларга сингиб боришида ўзига хос кўприк вазифасини ўтайди. Бу билан жамиятдаги кучлар ва манфаатлар тенглигини барқарорлаштиришга хизмат қилади.

Эркин, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти куриш йўлидан бораётган мамлакатимиздаги бошқа миллат ва

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон – келажакдаги буюк давлат / Ўзбекистон: миллий истокдош, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б. 123

элатларнинг ирқий, миллий, диний, ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар камситилишига тўсқинлик қилади. Шу йўл билан Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва инсон омилини ҳимоялашдек шарафли ишга ҳисса қўшилади.

Шахснинг мақсадлари, ғоя ва идеаллари жамиятдаги мавжуд ғоя, мафкура ва ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ равишда шаклланади. Давр ўтиб бориши ҳисобига ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳияти ҳам ўзгариб боради. Ғоя ва мафкурага мос равишда шахсга хос фазилатларнинг ҳам мазмуни бойиб боради. Ушбу фазилатлар, яхшилик, эзгулик хислатлари билан йўғрилса жамият маънавияти юксалади.

Жамиятнинг беқарорлиги кишилар психологиясидаги салбий ўзгаришларда, қонунларнинг ишламаслигида, давлат бошқарувининг кучсизланишида, иқтисодий жиноятларнинг кўпайиб кетишида, жиноий уюшмаларнинг пайдо бўлишида, маънавий-ахлоқий мезонларнинг бузилишида ўз аксини топади.

Кенг маънода ахлоқий муносабатларда адолат меъёрларининг вужудга келиши жараёнини қуйидагича тасаввур этиш мумкин. **Кишилар жамоага ўзларини муҳофаза қилиш, яшаш, насл қолдириш зарурати туфайли бирлашади. Биргаликда яшаш, қорин тўйдириш, йиртқичлардан ҳимояланиш жараёнида барчанинг биргаликда ҳаракат қилиш умумий мақсадга тез етишишга олиб келишини тушунишган. Яшаш жараёнида ўзини уруғнинг бир қисми, тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисоблай бошлайди. Ибтидоий жамоа тузуми даврида уруғ жамоалари аъзолари бир-бирлари билан муносабатларда ниҳоятда меҳрибон ва ғамхўр бўлишган. Зеро бусиз оғир шароитларда яшаб қолиш қийин кечар эди. Кексаларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Бир бўлак гўшт топишса, уни бошқалар билан бирга баҳам кўришган. Болаларни ҳам шунга ўргатишган.**

Тенглик – адолатнинг муҳим мезони бўлиб, у кишилик жамиятининг ривожига ўзига хос ўлчов вазифасини ўтаган. Жамоа аъзолари ўзаро муносабатларда тенглик анъаналарига хизмат қилган. Даврлар ўзгариши адолатнинг мазмун ва моҳияти ўзгариб, ривожланиб боришини таъминлаган.

Шундай қилиб, ҳар бир шахснинг ахлоқий муносабатларда адолат меъёрларига амал қилиш хислатларининг вужудга келиш

жараёни барча босқичларда шартланган ва ижтимоий табиатга эга бўлган.

Юқорида билдирилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштирган ҳолда шундай хулоса қилиш мумкин:

адолатнинг ахлоқий моҳияти муаммоси фалсафий ва ахлоқий таълимотлар тарихида инсон ва унинг моҳияти инсонни тушунишнинг фалсафий, тарихий, тасаввуфий, дунёвий ва маънавий тамойилларига боғлиқ ҳолда тавсифланади;

адолатнинг ахлоқий мазмуни муаммоси унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни, ижтимоий муносабатлар шаклланишининг тарихий тараққиёти жараёнида объектив зарурат туфайли шаклланди;

фалсафий тафаккур тараққиёти адолатнинг моҳиятини изоҳлашда умуминсоний тамойиллар асосида ёндашади, жамиятдаги мавжуд ғоя ва тартибларга инсоннинг фаол муносабатини баҳолашга асосланади;

аждодларимизнинг адолатнинг ахлоқий мазмунига оид қараш ва таълимотлари даврнинг маънавий-ахлоқий талаб ва эҳтиёжлари билан узвий боғланган бўлиб, улардан ижодий ва танқидий фойдаланиш мақсадга мувофиқдир;

ахлоқий адолатнинг шаклланиши, давр ўзгариши билан унинг мазмуни ҳам ривожланиб бориши тадрижий ривожланиш моҳиятини ифода этади, яхлит ҳолда кишилиқ жамияти маънавий ҳаётининг инсонпарварлик руҳини акс эттиради.

Ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий, мафкуравий муносабатларнинг янги тизимлари қарор топаётган шароитда ахлоқий муносабатларда адолатнинг хусусиятлари, таркиби, ички алоқадорлиги, ривожланиш қонуниятлари, намоён бўлиши қадриятлар тизимидаги ўрни масалаларини ўрганиш муҳим илмий-назарий аҳамиятга эга.

Ахлоқ, адолат, қадрият масалалари жамият тараққиётининг барча даврларида сиёсий, маънавий, фалсафий мавзу сифатида қабул қилинган. Аждодларимиз, мутафаккир алломаларимиз ўз қарашларида уларнинг тараққиёт учун зарурият эканлигини эътироф этган. Мутафаккирларнинг илмий мероси, биринчидан, ахлоқ, адолат ва қадрият тўғрисидаги билимларни бойитишга хизмат қилса, иккинчидан, адолатнинг ахлоқий моҳиятини тушунишга ва фуқаролик жамияти шаклланишида қадрият

даражасига кўтарилишига ғоявий асос бўлади. Шунингдек, аждодлар мероси муҳим тарбия омили ҳисобланади.

Юқоридагиларга асосланиб айтиш мумкинки, ахлоқий адолат кишиларнинг ўзаро муносабатларида тенглик қоидаларига риоя қилишлари бўлиб, инсонийлик, ўзаро ҳурмат, кўмакдошлик, самимийлик, муомала каби жабҳаларда намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан виждонлиликнинг эътиқод билан мувофиқлиги, фуқаролик жамияти шаклланишида адолатнинг қадрият даражасига кўтарилиб бориши муайян заруриятга айланади.

Адолатнинг ахлоқий моҳияти, ўзига хос хусусиятлари шахсларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларидаги хулқ-атворлари ва жамиятда қарор топган қадриятлар таъсирида намоён бўлади. Бу ерда жамиятда адолатга таянган ахлоқий меъёрлар билан шахс хулқ-атвори ўртасида зиддиятли ҳолатлар вужудга келиши мумкин. Бундай қарама-қаршиликларни тўғри баҳолаш, уни бартараф этиш чораларини излаш, зарурий тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш маънавий ахлоқий барқарорлик қарор топишига хизмат қилади. Бу фуқаролик жамияти шаклланиш жараёнини тезлашувига ёрдам беради.

Адолатнинг ахлоқий моҳиятида ўзига раво кўрган нарсани ўзгаларга ҳам раво кўриш, инсонларнинг ўзаро муносабатларда тенглик қоидаларига риоя қилиши жамият ахлоқий қиёфасини бойитадиган муҳим омил ҳисобланади. Бунга амал қилган шахслар оила, маҳалла, меҳнат жамоалари ва умуман, жамиятда ўз мавқеи, обрў–эътиборига эга бўлади. Бир сўз билан айтганда, ахлоқий адолатга амал қилиш бошқаларнинг шахсга нисбатан муносабатини белгилайди.

Оиладан ишлаб чиқариш жараёнигача бўлган барча жабҳаларда ахлоқий муносабатларда тенглик, адолат меъёрларига амал қилиш халқнинг, миллатнинг яхшиликка йўғрилган эзгу фазилатлари, қадриятлари қарор топишини тезлаштиради.

Жамиятдаги ахлоқий муносабатлардаги адолат шахснинг ўз хоҳиш-истакларини жамиятда мавжуд бўлган ахлоқий меъёрларга бўйсунуш, унга амал қилиш кўникмаларини вужудга келтиради. Шунингдек, салбий хусусиятга эга камчиликларни чегаралаб уни яхши томонга буришга ёрдам беради. Бозор

иқтисодиёти шароитида келиб чиқадиган ижтимоий зиддиятларни назорат қилиш ва бартараф этиш хусусиятига эга бўлган ахлоқий адолат билан фуқаролик жамияти шаклланиши жараёнида ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

- адолатнинг ахлоқий моҳияти кишилик жамияти тарихида ижтимоий зарурият сифатида пайдо бўлган. Ижтимоий муҳитда тенглик, тақдирлаш, баҳолаш, ўлчов мезони сифатида шаклланган адолат ахлоқий муносабатларда сиёсат, ҳуқуқ, иқтисодиёт, маънавият, миллий ғоя, мафкура билан боғлиқ ҳамда намоён бўлиб, жамият тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

- адолат ўз ижтимоий табиатига эга бўлиб, унинг асосларини миллий ўзига хослик, миллий руҳият билан бир қаторда маънавий-ахлоқий муносабатлар ташкил этади. Улар демократик бирликда бўлиб, жамият ва шахс ўртасидаги мутаносиблик ҳамда қарама-қаршиликларда намоён бўлади. Адолатнинг ахлоқий моҳияти инсоннинг жамиятда яшаши, камол топиши билан боғлиқ равишда унинг ижтимоий муҳит меъёрларига амал қилишида гавдаланади.

- Шахсларни ахлоқий муносабатлардаги адолат тамойилларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш анчайин мураккаб бўлиб, бу “макромуҳит” ва “микромуҳит” ўртасидаги диалектик алоқадорлик негизида амалга оширилади. “Микромуҳит” да шахснинг ахлоқий хулқ-атвори шаклланади. “Макромуҳит” да ижтимоийлашув орқали жамиятдаги тенгликка асосланган ахлоқий қадриятлар билан шахс хулқ-атвори ўртасида уйғунлик қарор топади.

- шахсларни ахлоқий муносабатлардаги адолат меъёрларига амал қилиш руҳида тарбиялаш маънавий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, диний каби омиллар ва ахлоқий тарбия уйғунлигида амалга оширилади, ижтимоий ахлоқий дунёқараш, онг, фаолиятида тенглик қоидаларига риоя қилишга йўналтирилган ахлоқий маданият қарор топади. Фуқаролик жамияти шаклланишида қадрият сифатида қарор топиши ижтимоий зарурат бўлиб, кишилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик, ҳамфикрлик, кўмакдошлик, ўзгаларни ҳурмат қилиш қоидаларига риоя анъанаси ижтимоий фаолликни келтириб чиқаради. Жамиятдаги ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий фаоллик тараққиётни тезлаштиради.

Ахлоқий муносабатларда адолатнинг қадрият сифатида қарор топиши юзасидан қуйидаги амалий тавсиялар берилади:

- Фуқаролик жамияти шаклланишида адолатнинг ахлоқий муносабатларлардаги аҳамиятини ошириш бўйича ижтимоий фанлар ҳамкорлигини кучайтириш, илмий тадқиқ этишнинг аниқ ва изчил режасини ишлаб чиқиш зарур;

- Ёшларни глобаллашув даврида мафкуравий таҳдидлардан ҳимоялаш, уларни миллий қадриятларимизга содиқлик руҳида тарбиялаш, шу йўл билан жамият ахлоқий муносабатларида адолат меъёрларига амал қилувчи авлодни шакллантириш лозим;

- республика оммавий ахборот воситалари, меҳнат жамоалари, таълим муассасалари ахлоқий қадриятларни тарғиб қилиш концепциясини ишлаб чиқиш, телевидениеда адолат ғояларини ёритувчи дастурлар таъсирчанлигини ошириш, ҳуқуқий, сиёсий, маънавий – маърифий кўрсатувларда ахлоқий масалалардан фойдаланиш лозим;

- ўқувчилар ва талабалар орасида адолат ғояларини тарғиб қилиш, уларнинг мустақил фикрлашга ундовчи ранг – баранг тадбирлар ташкил этиш, тингловчилар фаол иштирок этишини таъминлаш орқали ахлоқий онгни ривожлантириш керак;

- ҳуқуқ – тартибот ва давлат ҳокимияти идоралари ходимлари билан учрашувларни ташкил этиш, ҳуқуқий, сиёсий, мавзуда суҳбатлар ташкил этиш орқали ёшлар онгига адолат ғояларини сингдириш зарур. Зеро сиёсий, ҳуқуқий, диний, миллий, иқтисодий адолат тўғрисида фикрлари бойиган ёшлар ахлоқий муносабатларда тенглик қоидаларига риоя қилиш кўникмаларига эга бўлади.

Юқоридаги тавсия ва таклифлардан ижодий фойдаланиш, мазмунини чуқурлаштириш, янги усул ва омилларни излаб топиш маънавиятимиз тараққиёти ривожига ва фуқаролик жамияти шаклланишига ёрдам беради.

АДАБИЁТЛАР

1. “Авесто” Видеврат китоби. – Тошкент: Шарқшунослик институти, 2007.
2. “Навоий ижодида давлатчилик ва ҳуқуқ” мавзусидаги давра суҳбати // Ҳуқуқ ва бурч, 2009, -№2.
3. А. Иброҳимов, Х. Султонов ва Н. Жўраев. Ватан туйғуси. – Тошкент Ўзбекистон, 1996.
4. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.
5. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик. Дарслик. –Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2010;
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
7. Абу Райҳон Беруний. Ҳиндистон. 2-Том. – Тошкент: Фан, 1965.
8. Алиев Б, Ҳошимов Т. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси нашриёти, 2005.
9. Аликулов Х, Пардаева М. Алишер Навоий асарларида комил инсон таҳлили // Фуқаролик жамияти, 2010, -№1.
10. Аликулов Х. Адолат буюк донишмандлар талқинида. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2010.
11. Аликулов Х. Гуманистик мерос ва шахс маънавий камолоти.. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.
12. Аликулов Х. Маънавий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривож. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009.
13. Аликулов Х. Фалсафий мерос ва маънавий-ахлоқий фикр ривож. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2009.
14. Алимардонов Т. Миллий руҳиятнинг ахлоқий моҳияти // Жамият ва бошқарув, 2003, -№4.
15. Алимасов В. Адолат мезони // Тафаккур, 2006, -№3
16. Алимова З. Ижтимоий адолат тамойиллари ва унинг ислом динида намоён бўлиш хусусиятлари (фалсафий таҳлил). Автореф. фалсафа фан номз. диссертация. – Тошкент: 2006;
17. Алимова З. Ижтимоий адолат тамойилларини ислом динида намоён бўлиш хусусиятлари. Фалс. фан.номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2006.
18. Алишер Навоий. Назм ул жавоҳир. Асарлар. 15-том. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968.
19. Асқарова С. Турк хоқонлигида давлат ва ҳуқуқ масалалари // Ҳуқуқ ва бурч, 2010, -№6.
20. Ахлоқ-одобга оид намуналар. – Тошкент: Фан, 1990.
21. Аҳмедова М. “Ҳидоя” асарида инсон ҳуқуқлари // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№12.
22. Аҳмедова М. Нодирабегим жасорати // Ҳуқуқ ва бурч, 2010, -№3.
23. Аъзамхўжаева С Етук жамият – мунтазам тартибдаги жамият // Жамият ва бошқарув, 2007, -№1
24. Бобоҳон Шариф. Эркинлаштириш ва маънавият // Жамият ва бошқарув, 2001 - №3.
25. Валиев Б. Иқтисодий маданият // Жамият ва бошқарув, 2002, -№4.
26. Вехи. Интеллегенция в России. Москва: Молодая гвардия, 1991.
27. Ғарб фалсафаси. Тузувчи Назаров Қ – Тошкент: Шарқ, 2004.
28. Гегель Г.В.Ф. Зардуштийлик // Жаҳон адабиёти, 2007, 12-сон.

29. Жабборов И. “Авесто” – қадимий маънавиятимизнинг ноёб дурдонаси // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2002, -№1-2.
30. Жумаев Р. Сиёсий бағрикенглик ва демократия // Жамият ва бошқарув, 2007, - №1.
31. Зиёмухамедов Б. Комилликка элтувчи китоб. – Тошкент: Турон-Иқбол, 2006
32. Зоҳир – халқ назаргоҳи, ботин – Ҳақ назаргоҳи. Абу Исмоил Абдуллоҳ Ансорийнинг “Насихатнома” китобидан // Жамият ва бошқарув, 2001, -№1
33. Ибн Сина. Избранные философские произведения. Москва: Наука. 1980.
34. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз асослари. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2006.
35. Каримов И. А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиз / Халқ сўзи, 2006, 8 декабр.
36. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Ҳуқуқ ва бурч, 2011, -№11.
37. Каримов И.А. Адолат мезони бузилса / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Тошкент: Ўзбекистон. 1996.
38. Каримов И.А. Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
39. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ/ Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
40. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент: Шарқ, 1999.
41. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ қаби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
42. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги фаолиятимиз мезони бўлсин / Тинчлигимиз ва ҳавфсизлигимиз ҳамжиҳатлик ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004.
43. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлиги эркин ва фаровон ҳаёт кафолатидир / Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
44. Каримов И.А. Қонун ва адолат устуворлигининг ҳаётбахш манбаи / Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курашимиз. Т.7. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
45. Каримов И.А. Раҳбар ташаббускор, талабчан ва албатта адолатли бўлмоғи лозим / Тинчлигимиз ва ҳавфсизлигимиз ҳамжиҳатлик ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004.
46. Каримов И.А. Ўзбекистон – келажаги буюк давлат / Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т. 1. –Тошкент: Ўзбекистон, 1996.
47. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.
48. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-том. – Тошкент, Ўзбекистон, 1999.
49. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008.
50. Каримов. И. А. Адолатли жамият сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
51. Комилов Н. Ажрим кўзгуси // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№2.
52. Қудратиллаев Ҳ. “Келди ул вақтки...” // Ҳуқуқ ва бурч, 2009, -№2. .
53. Қудратиллаев Ҳ. Ижодкор ахлоқи улуғ адиблар талқинида // Ҳуқуқ ва бурч, 2011, -№2.
54. Қудратиллаев Ҳ. Ижодкор ахлоқи улуғ адиблар талқинида // Ҳуқуқ ва бурч, 2011, -№2.
55. Қуръони Карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансурники. – Тошкент: Чўлпон, 1992.

56. Куръони Карим. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2001.
57. Кўнғиров И. Сиёсий, ҳуқуқий маданият – тараққиёт асоси // Ҳуқуқ ва бурч, 2010, -№1.
58. Матибаев Т. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш жараёнида ижтимоий адолат ва демократиянинг ўзаро алоқадорлиги. Социология фанлари номзодлиги учун диссертация. – Тошкент: 2008.
59. Маҳмудов Т. “Авесто” ҳақида. – Тошкент: Шарқ, 1999.
60. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Тошкент
61. Мунавварова М. Миллий истиқлол ғоясининг маънавий илдизлари // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2010 -№4
62. Мутафаккирлар ахлоқ ва адолат ҳақида. – Тошкент: Адолат, 1995.
63. Муҳаммадиев А. Фикҳда фуқаролик ҳуқуқи тамойиллари // Ҳуқуқ ва бурч, 2009, - №5
64. Муҳамедов Ҳ. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. I-қисм. – Тошкент: Адолат, 1999.
65. Муҳаммад Али. Амир Темур солномаси // Ҳуқуқ ва бурч, 2009, -№4.
66. Муҳиддинова Ф. Ахлоқийлик таълимоти ёхуд “Дастур ул-мулк” ўғитлари // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№4.
67. Муҳиддинова Ф. Одиллик тантанаси // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№ 2.
68. Нерсисянц В. Ҳуқуқ фалсафаси. – Тошкент: Адолат, 2003.
69. Неъматов Б. Инсон ва унинг камолоти // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2005, -№1.
70. Нурбой Абдул Ҳаким. Маънавият надур? // Жамият ва бошқарув, 2001, -№3.
71. Окбўтаев Б. Навоий ижодида “Адолат” сўзининг талқини // Жамият ва бошқарув, 2000, -№4.
72. Отамуратов С. “Авесто” – бебаҳо бойлигимиз // Жамият ва бошқарув, 2001, -№3.
73. Пазенок В. Справедливость как категория марксистской этики. Автореферат канд. Дисс. Москва: Мысль, 1967.
74. Пўлатов А. Мустақиллик шароитида миллий муносабатларни ижтимоий адолат принциплари асосида такомиллаштириш. Номз.дисс. – Тошкент: ТошДУ, 1997;
75. Рўзиев М. Демократик жамият тўғрисидаги илк қарашлар ва унинг ривожланиш босқичлари // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. -№4.
76. Саифназаров И. Маънавий баркамоллик ва сиёсий маданият. –Тошкент: Шарқ, 2001;
77. Саифназаров И. Эзгулик – бош мақсадимиз. –Тошкент: Чўлпон, 2006;
78. Назаров Қ. Қадриятлар фалсафаси. –Тошкент: ЎФМЖ, 2004.
79. Сапохонов Х, Ҳамидов А. Этика ва эстетика асослари. – Тошкент: Фан ва технология, 2009.
80. Скирбекк Гуннар, Гилье Нильс. Фалсафа тарихи. – Тошкент: Шарқ, 2002.
81. Словарь иностранных слов. -Москва: Государственное издательство иностранных и национальных словарей, 1954.
82. Тилабов Т. Ижтимоий адолат тамойиллари – ёшлар тарбиясининг муҳим омили. Номзодлик дисс автореферати. – Тошкент: 1997;
83. Тожибоева Х. Қонун ва жамият Форобий нигоҳида // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2005. -№4.
84. Толибов Т.Ч. Принципы социальной справедливости как важный фактов воспитания молодежи. Автореферат дисс. канд... филос. наук. – Тошкент: 1997.
85. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 1-жилд. – Тошкент, Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2000.
86. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995.

87. Ўлжаева Ш. Куч – адолатда // Ҳуқуқ ва бурч, 2008, -№4.
88. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2002.
89. Файзиев О, Усмонов Э. Саломатлик фалсафаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2005.
90. Файзуллаев О. Фалсафа ва фан методологияси. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2006.
91. Фалсафа асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
92. Фалсафа. Қомусий луғат. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2004.
93. Ҳикматларга тўла бу дунё. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
94. Холбеков А. Ўзбекистонда жамиятнинг демократлашуви жараёнида ижтимоий адолатни амалга ошириш муаммолари (сиёсий-социологик таҳлил). Социология фанлари докторлиги учун диссертация. – Тошкент: 2001.
95. Чориев А. Инсон фалсафаси. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2007.
96. Шайхова Х.О., Назаров Қ. Н. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
97. Шермухамедов С. Биз қандай жамият қураямиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000
98. Шермухамедов С., Очилдиев А. Маданият ва цивилизация. Фарғона, 2000
99. Эргашев И, Шарипов Б, Жакбаров М. Жамиятни эркинлаштириш ва маънавият. – Тошкент: Академия, 2002.
100. Эргашев И. Янги фалсафа ва янгича дунё // Жамият ва бошқарув, 2003, - №4
101. Эргашев У. Адолат – инсоний ҳаёт сарчашмаси. – Самарқанд: 2002.
102. Эргашев У. Ўзбекистонда фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ижтимоий адолатнинг қарор топиши масалалари. Фалсафа фанлари номзодлиги учун диссертация. – Тошкент:2006
103. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт модели. – Тошкент: Маънавият, 2005.
104. Юсупов Э. Инсон камолотининг маънавий асослари.– Тошкент: Университет. 1998
105. Юсуф Хос Хожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Юлдузча, 1990.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
Ахлоқий адолат ва унинг моҳияти	5
Қадимги Дунёда ахлоқий адолат ҳақидаги қарашлар	9
Ислом дини манбаларида ахлоқий адолат масаласи	14
Ўрта асрлар адабиётида ахлоқий адолатнинг талқини	18
Адолат ҳақида мутафаккирлар мероси	19
Ҳадис ва пандномаларда ахлоқий адолат масаласи	24
Амир Темур ва темурийлар даврида ахлоқий адолат масалалари	30
Ахлоқий адолатнинг кейинги даврдаги таҳлили	37
Ғарб фалсафасида ахлоқий адолат таҳлили	40
Баркамол авлод ва адолатли жамият бирлиги	43
Ахлоқий адолат ва фуқаролик жамияти	56
Ахлоқий адолатнинг қарор топиши муаммолари	51
Адабиётлар	56

Зарина Бойтемирова, Зафаржон Хамрақулов

**АХЛОҚИЙ АДОЛАТ ВА УНИНГ ФАЛСАФИЙ –
АХЛОҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

Педагогика институтлари талабалари, академик лицей,
касб-ҳунар коллежлари ўқитувчилари ва қизиқувчилар учун
илмий қўлланма сифатида тавсия этилган.

**Мухаррир – М.Темирбоев
Корректор – Х.Сапохонов**

Босишга 10.12.2015 да рухсат этилди. Times гарнитураси.
4.0 босма табоқ. Адади 55 нусха.

“Янги Фарғона” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Қўқон шаҳри, Истиклол кўчаси, 22-уй.